O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2012-yil 23-may, chorshanba ✱ № 22 (774) ✱ 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✱ elektron manzil: hurriyat@doda.uz ✱ www.uzhurriyat.uz

ОЛТИ ЙИЛЛИК ОВОРАГАРЧИЛИК БАРҲАМ ТОПДИ



Вилоят мухбири ўз ваколати доирасида туман ҳокимлигининг тегишли мутасаддилари иштирокида вазиятни ўрганиб чиқади. Натижада низо бартараф этилди: яқин қўшничиликка рахна солиб турган пойдевор олиб ташланиб, адолат қарор топди. Олти йиллик оворагарчиликка нуқта қўйилди.

➪ 4-бет

"КАТТА САККИЗЛИК"НИНГ УЛКАН МУАММОЛАРИ

Шуни ачиниш билан эътироф этиш керакки, жаҳон иқтисодиётида юзага келаётган муаммолар, асосан, қўшимча пул босиб чиқариш ва молия бозорини шундай пуллар билан тўлдириш ҳисобидан ҳал этишга қаратилган ҳаракатлар ҳам кўзга ташланмоқда.

➪ 5-бет

ҒУРУР БАЛАНД, МАҚСАД ХОЛИС БЎЛСА

Мустаҳкам оила йилида ёшларимизнинг онгига ёт ғоялар кириб қолиши учун ҳеч қандай маънавий бўшлиқ бўлмаслигига эришишимиз, уларнинг ўрнини Ватанга, оиласига, фарзандларига муҳаббат, отаонага, дўстларга садоқат руҳи билан тўлдириб боришимиз ҳар қачонгидан даркорроқ.

➪ 7-бет





МАШЪАЛА НАВОИЙГА ЙЎЛ ОЛДИ

Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги Ўзбекистон Фанлар академияси «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Материалшунослик институтида «Умид ниҳоллари — 2012» республика спорт мусобақалари машъаласи қуёш нурларидан аланга олдирилди.



Маросимда Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, Республика техник ва амалий спорт турлари маркази, тегишли вазирлик ва идоралар, жамоатчилик вакиллари, спортчилар иштирок этди.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жорий этилган уч босқичли спорт мусобақалари Олимпия ўйинларига қиёсан машъала ёқиш маросими билан бошланишида ўзига хос рамзий маъно мужассам. "Физика-Қуёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Материалшунослик институтида қуёш нурларидан аланга олдирилган машъала ёшларимизни халқимизга хос яратувчанлик ва бунёдкорлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади, спорт билан шуғулланиб вояга етаётган ўғил-қизларни жаҳон ареналарида улкан муваффақиятлар сари илҳомлантиради.

...Майдонга тантанали мусиқа садолари остида мамлакатимизнинг таниқли спортчилари, "Умид ниҳоллари — 2012" республика спорт мусобақасининг бир гуруҳ иштирокчилари кириб келади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

"Умид ниҳоллари — 2012" машъаласини Сингапурда ўсмирлар ўртасида ўтказилган I Олимпия ўйинлари совриндори, боксчи Сардор Бегалиев, шотокан каратэ-до бўйича жаҳон кубоги ғолибаси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Зулхумор Бобоева ва шотокан каратэ-до бўйича жаҳон кубоги ғолибаси Севара Абдулҳакимова майдонга олиб киради. Машъалани улардан Паркент тумани транспорт ва сервис касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Отабек Абдуқодиров қабул қилиб олади.

— Ватанимиз қуёшининг олтин нурларини ўзига сингдирган бу машъала биз, ёшларнинг эзгу орзу-умидларимиз тимсоли, келгуси муваффақиятларимиз маёғидир, — дейди Сардор Бегалиев. — "Умид ниҳоллари — 2012" спорт мусобақаларида иштирок этаётган ука-сингилларимиз келажакда Олимпия ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатларида юксак марраларни эгаллашига, халқимиз, Президентимизнинг ишончини оқлашига ишончимиз комил.

"Умид ниҳоллари — 2012" спорт ўйинлари машъаласи Навоий вилояти сари йўл олди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири

«Hurriyat» газетаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.

✔ Она табиатни асрайлик!

Биохилмахиллиқни сақлаш — барқарор ривожланиш омили

Биохилмахилликда инсон ҳаётининг ажралмас бойлиги мужассам бўлиб, уни муҳофаза қилиш башарият тамаддунида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, инсон биологик ва ижтимоий индивид сифатида табиат ресурсларидан фойдаланмасдан ҳаёт кечира олмайди.



"Биологик хилмахиллик" деганда ерда, денгизда ва бошқа экотизимларда яшайдиган ҳамда ўсадиган ҳамма жонли организмлар тушунилиб, ушбу тушунчага битта тур доирасидаги, турлараро ва экотизимлар хилмахиллиги ҳам киради *(Биохилмахиллик тўғрисидаги конвенциянинг 2-моддаси).*

Биохилмахиллик ресурсларининг камайиши биринчи навбатда инсон фаолияти таъсир оқибатида юз беради. Охирги 50 йил ичида сайёрамиз аҳолиси сони 3,5 баробарга, истеъмол қилинаётган ичимлик сув ҳажми 11 баробарга, ҳайдаладиган ерлар майдони 2 мартага, рўйхатдан ўтган транспорт воситалари сони 10 мартага, нефть маҳсулотларидан фойдаланиш 7 мартага, электр станциялари қуввати 21 мартага ошди. Ҳайвонот ва ўсимлик олами турлари эса 20 фоизга камайди. Ҳар йили атмосфера ҳавосига 5 миллиард тонна карбонад ангидрид гази, 200 миллион тонна углерод оксиди, 146 миллион тонна сульфат оксиди, 35 миллион тонна азот оксиди ташланмоқда.

3 ▶▶

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг "Йилнинг энг фаол журналисти — 2011" танлови давом этмоқда

Ҳурматли ҳамкасблар!

Ўтган йил юртимиз ҳаётида энг улуғ, энг азиз айём — мустақиллигимизнинг муборак 20 йиллиги санаси сифатида ўчмас из қолдирди. Зеро, ўзининг неча минг йиллик кўҳна тарихида не-не воқеаларни бошидан кечирган халқимиз учун Ўзбекистон мустақиллиги — ҳаётимизни, онгу шууримизни тубдан ўзгартирган бу улуғ сана кўп йиллар, замонлар ўтса-да, ўз аҳамияти, қадр-қиммати ва моҳиятини йўқотмайдиган, том маънода оламшумул воқеа бўлиб абадий сақланиб қолади.

"Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!" шиори остида ўтган 2011 йилда мамлакатимиз ўзи танлаб олган ва оғишмай илгарилаб бораётган тараққиёт йўлидан яна бир довон ошди. Мустақиллик деб аталган бебаҳо неъмат, халқимизнинг фидокорона меҳнати, унинг тобора юксалиб бораётган тафаккури, эртанги кунга бўлган ишончи, эзгу орзу-интилишлари маҳсули бўлган ютуқ ва муваффақиятларимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан янада кенг эътироф этилди.

20 йиллик манзаралар, тараққиётнинг ўзбекона йўли, тарих ва истиқбол кесишган чорраҳалар, миллий қадриятларимиз ривожи, халқимиз ҳаётидаги янгиланишлар, хусусан, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури доирасида иқтисодиёт ва халқ фаровонлигини юксалтириш йўлида амалга оширилган ишлар оммавий ахборот воситалари фаолияти ва журналистлар ижодида устувор ўрин тутди.

Азиз ҳамкасблар, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси сизларни "Йилнинг энг фаол журналисти — 2011" танловида қатнашишга таклиф этади. Танловга 2011 йилнинг 1 июнидан 2012 йилнинг 1 июнигача газета ва журналларда, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар қабул қилинади.

Материаллар танловга таҳририятлар тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари орқали жорий йилнинг 5 июнигача муаллифнинг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилинган ҳолда тақдим этилиши лозим.

"Йилнинг энг фаол журналисти — 2011" танлови ғолиблари ва совриндорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб 27 июнда ўтказиладиган байрам тадбирида топширилади.

Материаллар "Йилнинг энг фаол журналисти — 2011" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
3-қават, 30, 35, 37-хоналар
Телефонлар: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87.
www.Journalist.uz

«Парламент билимдонлари» сафи кенгаймоқда

Жорий йилнинг март ойидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг интернет глобал тармоғидаги расмий веб-сайтида ёшлар ўртасида «Парламентаризм билимдони» он-лайн танлови ўтказилмоқда. Танлов жараёнининг дастлабки натижалари билан яқиндан танишиш мақсадида унинг ташкилотчиси — Парламентнинг қуйи палатаси Ахборот хизмати раҳбари Олим ЎСАРОВга бир нечта савол билан мурожаат қилдик.

— Олим Авалбоевич, суҳбатимиз аввалида ёшлар ўртасида «Парламентаризм билимдони» он-лайн танловини ўтказишдан кўзланган мақсад хусусида сўзлаб берсангиз.

— Юртимизда қонун ижодкорлиги соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди, икки палатали профессионал парламент шакллантирилди. Мамлакат тараққиёти ва ривожи ҳаётий, халқчил қонунлар яратилиши билан мустаҳкамланди. Бир сўз билан айтганда, миллий парламентимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ўрни, нуфузи ортди.

Ана шундай изчил ислоҳотларни амалга ошириш, қонунлар ижросини таъминлашда, албатта, ёшларнинг ҳам алоҳида ўрни борлигини таъкидлашни истардим. Чунки, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, «Ёшлар бизнинг бугунги ва эртанги кунимизни ҳал қилувчи кучдир». Ана шундай юксак ишончни оқлаш, ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини ошириш, улар ўртасида Конституция ғояларини ва ушбу ғоялар асосида қабул қилинадиган қонунларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилишга кўмаклашиш, миллий парламентнинг фаолияти тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот олиш орқали ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккурини юксалтиришга ҳисса қўшиш мақсадида «Парламентаризм билимдони» танлови ташкил этилди. Танлов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишлаб ўтказилаётганлиги ҳам бежиз эмас. Чунки қонунларимизнинг барчаси Бош Қомусимизнинг негизида яратилади. Тақдим этилаётган аксарият саволлар ҳам айнан Конституциямизни, шу жумладан, парламентни ўрганишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Регламентга мувофиқ, 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар бевосита он-лайн танловда қатнашиш ва, албатта, чин маънода ғолибга айланиш имкониятига эга.

— Биламизки, мазкур танлов *www.parliament.gov.uz* расмий веб-сайтида, яъни он-лайн тарзида ўтказилмоқда. Хўш, бу тажриба амалиётда қандай самара бераяпти?

— Бугун глобаллашув даврида, замонавий ахборот-коммуникациялар асрида яшаяпмиз. «Ўргимчак тўри» дея ном олган интернет тармоғи кириб бормаган бирор-бир хонадон ёки ташкилотни бугун топиш қийин. Шундай экан, танловни интернет тармоғида ташкил этиш, биринчи навбатда, вақтни тежаса, иккинчидан, ёшларнинг бу жараёндаги фаоллигини оширади. Халқаро тажрибада ҳам он-лайн танловларини ўтказиш анъана тусини олмоқда. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, ёшларга қулайлик яратиш мақсадида парламентнинг расмий веб-сайтида танлов учун махсус саҳифа ажратилди. Унда танловнинг тартиб-қоидалари, шартлари, иштирокчиларни рўйхатга олиш жойи ва оралиқ натижалар учун рейтинг жадвали ўрин олди.

Танловни ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш учун Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари, шунингдек, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. Шунингдек, ахборот кўмаги сифатида марказий ва маҳаллий матбуот нашрларида, интернетда танловнинг эълон қилингани тўғрисидаги ахборотлар чоп этилди ва ҳозирги кунда бу тарғибот ишлари давом эттирилмоқда. Радио дастурлари орқали эса кичик ҳажмдаги роликлар тақдим қилиняпти.

— Танлов шартлари ва унинг дастлабки натижаларига ҳам тўхталсангиз.

— Танловда ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўқувчилари ҳамда олий ўқув юртлари талабалари фаол қатнашмоқда. Маълумот ўрнида айтиш керакки, танлов 40 турдан иборат бўлиб, ҳар ҳафтанинг душанба куни 3 тадан савол тўртта жавоб вариантлари билан эълон қилинади. Ҳар бир тўғри жавоб 1 баллдан баҳоланади. Мазкур танловда қатнашишни хоҳловчилар танлов иштирокчиси сўровномасини тўлдиришлари, унда ўзи ҳақидаги маълумотлар (исми-шарифи, туғилган йили, иш ёки ўқиш жойи, яшаш жойи ва телефон рақами)ни кўрсатишлари лозим. Ҳафтанинг жума куни тўпланган оралиқ баллар эълон қилинади, унда қатнашчиларнинг исми-шарифи, рўйхатдан ўтган вақти ва тўплаган баллари кўрсатилади. Танловнинг эътиборли жиҳати шундаки, қатнашувчиларнинг баллари компьютер хотирасига киритилган тўғри жавоблар асосида ҳисоблаб борилади. Яъни электрон ҳисоблагич ёрдамида ҳар бир иштирокчининг жавоблари холис ва ҳаққоний баҳоланади.

Айни пайтда танловда 1500 нафардан ортиқ ёшлар қатнашаяпти. Қувонарли жиҳати, иштирокчиларнинг 80 фоизини 14-25 ёшдагилар ташкил этади. Уларнинг аксарияти мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ўқувчиларидир. Ҳудудлар кесимида олганда, бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Самарқанд, Қашқадарё, Андижон, Фарғона, Наманган ва Жиззах вилоятларидаги энг чекка ҳудудлардан ёшларнинг фаоллигини кузатиш мумкин. Шунингдек, рўйхатда жамоат ташкилотларида, молия соҳаси ва партияларнинг ҳудудий кенгашларида ишлаётган 30 ёшгача бўлганларнинг борлиги эътиборга молик. Ишончимиз комилки, танлов орқали ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий билимлари янада ошади.

— Танлов ғолибларини аниқлаш ва тақдирлаш тадбирлари қачон ва қай тартибда ўтказилади?

— «Парламентаризм билимдони» танлови ғолибларини тақдирлаш маросими Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллиги арафасида, яъни декабрь ойи бошларида ўтказилиши режалаштирилган. Танлов натижаларига кўра, йиғилган балларнинг миқдорига қараб уч нафар мутлақ ғолиб аниқланади (тўплаш мумкин бўлган энг юқори балл — 120 балл). Агар тўпланган баллар ҳисоби тенглашиб қолса, ғолиблар ўртасида қўшимча тур ўтказилади. Ушбу турдан ғолиб чиққан иштирокчилар Қонунчилик палатасининг махсус дипломи ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланади. Танловда 100 ва ундан ортиқ балл тўплаган иштирокчиларнинг Қонунчилик палатаси биносига ташрифи уюштирилади. Бу, ўз навбатида, ёшларга парламент ҳаёти ва фаолияти билан янада тўлиқроқ танишиш имкониятини беради.

Намоз ТОЛИПОВ суҳбатлашди.

Танлов

Таҳририят почтасидан

Президент китоби ўрганилмоқда

Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги Тиббиёт коллежида туман ҳокимлигининг "Маънавият ва тарғибот" бўлими, "Қоракўл садоси" газетаси ва бир қатор умумтаълим мактаблари билан ҳамкорликда Президентимиз Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китобини ўрганишга бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда таниқли олимлар, кенг жамоатчилик вакиллари, талаба ва ўқувчилар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан иштирокчилар давлатимиз раҳбарининг мазкур китобида мустақиллигимизнинг қўлга киритилиш тарихи билан боғлиқ муҳим воқеалар ҳамда маълумотлар жамлангани, озодлик ўз-ўзидан, осонлик билан қўлга киритилмагани, юртимизнинг истиқлолга эришишида Юртбошимиз кўрсатган жасорат ва матонат ҳал қилувчи аҳамият касб этгани ҳақида ҳаётий мисоллар билан ҳикоя қилиб бердилар.

Тадбирда китоб мазмун-моҳиятини омма орасида кенг тарғиб қилиш, корхона ва ташкилотлар, ўқув муассасалари ва маҳаллаларда ўрганиш бўйича тарғибот тадбирларини янада изчилроқ йўлга қўйиш тўғрисида фикр ва мулоҳазалар билдирилди.

Рўзибой АРАБОВ,
Қоракўл туманидаги Тиббиёт коллежи ахборот-ресурс маркази ходими

Таълим

Эзгу мақсадлар йўлида

Бугун юртимизнинг барча ҳудудларида ёшларнинг муносиб таълим-тарбия олиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Буни Самарқанд вилоят халқ таълими тизими мисолида ҳам кўриш мумкин. Айни пайтда вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфида 1227 та мактаб, 560 та мактабгача таълим муассасаси, 20 та махсус мактаб-интернат, 4 та Меҳрибонлик уйи, 17 та "Баркамол авлод" маркази, 34 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, 44 та спорт мактаби фаолият юритаётган бўлса, уларнинг барчаси замонавий моддий-техник базага эга. Бу, ўз навбатида, ўқувчиларнинг янада чуқур, пухта билим олишига замин яратмоқда.

Жорий йилда вилоятдаги 48 та мактабни капитал реконструкция қилиш, 8 та мактабни эса капитал таъмирлаш режалаштирилган. Мазкур таълим масканларининг 15 тасида янги спорт заллари қурилиши кўзда тутилган. Ҳозир бу ишларнинг барчаси "Бюджетдан ташқари таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси" маблағлари ҳисобидан амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2008 йил 7 январдаги "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник баъзасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойиши ижросини таъминлаш учун вилоятдаги болалар мусиқа ва санъат мактабларининг аҳволи ўрганилди. Натижада улардан 17 тасини янгидан қуриш, 9 тасини капитал реконструкция қилиш кераклиги ойдинлашди. Ҳозирги пайтда Самарқанд шаҳридаги 3-, Каттақўрғон шаҳридаги 2-, Нуробод туманидаги 18-, Оқдарё туманидаги 7-сон болалар мусиқа ва санъат мактабларида қурилиш ишлари олиб бориляпти.

Таълим соҳасида муваффақиятга эришишда кадрлар салоҳияти, билим ва кўникмаси муҳим ўрин тутиши ҳеч кимга сир эмас. Шу боис, вилоятда педагогларнинг касбий маҳоратини ошириш, уларни замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларига оид янгиликлар билан таништириш, улардан ўқитиш жараёнида самарали фойдаланиш кўникмасини шакллантириш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ҳар ўқув йилида вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида 7 минг нафар ўқитувчининг малакаси ошириляпти. Бундан ташқари, таълим беришнинг самарали усуллари, илғор иш тажрибаларини кенг тарғиб этиш мақсадида ҳар бир туман ва шаҳарда 17 та ўқув предмети бўйича 10 нафардан ортиқ малакали ўқитувчилар банки яратилиб, улардан унумли фойдаланилмоқда.

Вилоятда умумтаълим муассасаларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича ҳам талайгина ишлар бажарилмоқда. 750 та мактаблар замонавий ўқув компьютер синфлари, 270 га яқин мактаблар персонал компьютерлар билан таъминлангани, 1176 та таълим маскани эса «ZiyoNet» тармоғига улангани сўзимизнинг исботидир. Ҳар икки ҳафтада «ZiyoNET» тармоғига илғор ўқитувчиларнинг иш тажрибалари, дарс ишланмалари, услубий тавсиялари жойлаштириб борилмоқда.

Халқ таълими вазирлигининг 2011 йил 23 мартдаги "Умумтаълим мактабларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчиларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича малакасини оширишни ташкил этиш тўғрисида"ги буйруғи асосида ўтган йили 50126 нафар ўқитувчи компьютер саводхонлигини оширди. Бундан ташқари, замонавий технологиялардан унумли фойдаланиб, ўқитувчиларнинг масофали ўқитиш тизими орқали малакасини ошириш ҳам кенг йўлга қўйилган. Жумладан, вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида 11 та фан бўйича ўқитувчиларни масофадан малакасини ошириш курслари ташкил этилган.

Яна бир гап. Вилоят халқ таълими мутахассислари томонидан ёзги таътил даврида ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича махсус режа ишлаб чиқилди. Айни пайтда вилоятдаги 69 та оромгоҳ 17 300 нафар болани жалб этиш имкониятига эга. Уларнинг 24 таси шаҳар ташқарисида жойлашган бўлиб, 8300 нафар болага ёзни соз ўтказиши учун шай ҳолда турибди.

Қисқаси, бугун вилоят халқ таълими тизимида эришилган ютуқлар амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларнинг бир қисми, холос. Ҳали режалаштирилаётган ишлар, кўзланаётган марралар кўп. Ушбу ислоҳотлар бир мақсадга, яъни ҳар бир ўқувчига муносиб таълим-тарбия бериш, уни баркамол авлод этиб воягa етказишга қаратилган.



Убайдулла ХЎЖАНИЁЗОВ,
"Hurriyat" мухбири

Имкониятдан тўғри фойдаланиш замонавийликка етаклайди

Пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги 159-умумтаълим мактаби энг намунали таълим масканларидан бири ҳисобланади. Бу ерда болаларнинг таълим-тарбия олиши, спорт билан шуғулланиши ва турли амалий санъат турларини ўрганиши учун барча шароитлар яратилган. Мактабнинг ахборот-ресурс маркази зарур адабиётлар билан таъминланган. Бу ерда ўқувчи ва ўқитувчилар "Ziyonet" тармоғи ёрдамида бошқа мактабларнинг эришган ютуқлари, тажрибаси билан танишиши мумкин.

Мактабда ўқувчи-ёшларнинг билим ва кўникмасини мустаҳкамлаш мақсадида кўплаб фан тўгараклари ташкил этилган. Бундан ташқари, ўқувчиларнинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда, "Ёш геолог", "Моҳир қўллар", "Хорижий тилларни ўрганамиз" ва "Компьютер саводхонлиги" каби тўгараклар ҳам фаолият юритмоқда. Шоҳмот, футбол, волейбол, бадиий гимнастика ҳамда таэквондо спорт турлари бўйича секциялар ишлаб турибди.

— Ўқувчиларимизнинг пухта билим эгаллашлари учун астойдил ҳаракат қилаяпмиз, — дейди она тили ва адабиёти фани бўйича жорий йилги "Йилнинг энг яхши ўқитувчиси" Республика кўрик-танловининг совриндори Бухолида Супиева. — Шу билан бирга, уларнинг келажакда ўзларига муносиб касб танлашлари учун тез-тез учрашувлар ўтказиб келмоқдамиз. Жумладан, яқинда улардан бирини — "Тўғри танланган касб — оила фаровонлигининг асосидир" мавзусида ташкил этдик. Унда турли касб эгалари, мутахассислар ва психологлар қатнашди. Эркин мулоқот шаклида ўтган ушбу учрашувда ўқувчиларимиз ўзларини қизиқтирган саволларнинг ҳаммасига жавоб олишди. Ўйлайманки, жамоамизнинг бу борада амалга ошираётган ишлари фарзандларимизнинг келажакда ҳаётда ўз ўрнини топишда муҳим маёқ бўлади.

Яхши маълумки, кечаги кун ўқитувчиси билан бугунгиси ўртасидаги тафовут сезиларли даражада. Бундан ўн беш-йигирма йил аввал дарс ўтишга тайёрланаётган муаллим анчайин адабиётга таянган бўлса, бугун улар замонавий дарсликлар, компьютер ва, энг асосийси, интернет имкониятларидан кенг фойдаланмоқда. Чунки бугун дунёда барча соҳалар жадаллик билан ривожланиб, янгиланиб бормоқда. Бундан ҳар бир ўқитувчи хабардор бўлиши, уни таҳлил қила билиши, ўз навбатида, ушбу янгиликларни аудиторияга етказа олиши лозим. Бунинг учун эса ўқитувчидан хорижий тилларни, хусусан, инглиз тилини пухта эгаллаш талаб этилади. Диққатга молик жиҳати, мактабда ҳам мазкур масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни кунда таълим масканида фаолият юритаётган ўқитувчиларнинг барчаси инглиз тилини ўрганишга ва компьютер саводхонлигини оширишга жалб этилган. Ҳафтасига беш кун муаллимлар бу борадаги билимларини оширишади.

Хулоса ўрнида мактабда ишлар замон талабларига мос равишда олиб борилаётганини айтиб ўтиш жоиз. Зеро, бугунги тараққиётдан айро ҳолда фаолият юритиб бўлмайди. Буни дилдан ҳис этган таълим маскани жамоаси мазкур фикрга амал қилмоқда. Уларнинг бу саъи-ҳаракатлари яқин келажакда ўз мевасини беради, деб умид қиламиз.

Азим РЎЗИЕВ,
"Hurriyat" мухбири

Биохилмахиллликни сақлаш — барқарор ривожланиш омили

(Бошланиши 1-бетда.)



Инсоннинг нооқилона фаолияти натижасида биосферада кўплаб қалтис жараёнлар содир бўлмоқда. Биргина Орол фожиаси инсоннинг экологик муаммоларга нисбатан масъулиятсизлигининг яққол намунасидир. Сўнгги қирқ йил мобайнида денгиз майдони 7 мартадан ортиқроққа қисқарди, сув ҳажми эса 13 баробарга камайди. Унинг минераллашуви бир неча ўн мартага ошгани сабабли денгизда жонли организмлар учун ноқулай муҳит вужудга келди. Натижада денгиз флора ва фаунасининг барча турлари йўқ бўлиб кетди. Бугун Оролбўйи ҳудудларида нафақат глобал экологик, балки мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммолар пайдо бўлди.

Кеч бўлса-да, инсоният табиий муҳитга эҳтиёткорона ва оқилона муносабатда бўлиш кераклигига ишонч ҳосил қилди. Экологик мувозанатни сақлаш барча давлатлардан кучли ирода ва катта сиёсий кучни ишга солишни талаб этмоқда. 1992 йилнинг июнь ойида Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича БМТ конференциясида XXI асрда инсониятнинг ривожланиши учун муҳим бўлган ҳужжатлар қабул қилинди. Мазкур анжуманда илк марта табиатдан фойдаланишнинг амалдаги бозор-истеъмоли модели инсониятни жуда тезликда табиат инқирозига, ҳатто ҳалокатга олиб келиши мумкинлиги тўғрисидаги муҳим хулосага келинди.

Анжуманда иккита халқаро битим имзоланди ҳамда Бутунжаҳон барқарор ривожланиш мақсадлари принциплари ва Асосий Ҳаракатлар режаси тўғрисидаги иккита баёнот қабул қилинди. Бу ўринда "Биологик хилмахиллик тўғрисида"ги Конвенция муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ушбу ҳужжат талабларига биноан уни имзолаган барча томонлар экотизимлар ва табиий яшаш жойларини, турлар популяцияларини сақлаш учун барча чораларни кўриши, миллий қонунчиликни такомиллаштириши, йўқолиб бораётган биологик турларни сақлаш ва тиклаш бўйича ҳаракатлар режаси ва бошқарув стратегияларини ишлаб чиқиши лозим. Шу билан бирга, биологик хилмахиллик компонентларидан барқарор фойдаланишни таъминлаш ҳамда генетик ресурслардан фойдаланиш ва тегишли технологияларни алмашиш билан боғлиқ даромадларни адолатли тақсимлаш зарур.

"XXI аср кун тартиби" — келгуси юзйилликка мўлжалланган, Рио-де-Жанейро шаҳрида 170 дан ортиқ давлат вакилларининг умумий келишуви асосида қабул қилинган улкан дастур ҳисобланади. Барча давлатлар томонидан қабул қилинадиган, келажакда атроф-муҳитга таъсири билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий ривожланиш қарорлари Рио декларациясида мустаҳкамланган асосий тамойилларга асосланиши шарт.

Вақт ўтиши билан "барқарор ривожланиш" тушунчаси барқарор экологик ривожланишга тенглашди. Барқарор ривожланиш Концепцияси 2002 йил сентябрь ойида Йоханнесбургда бўлиб ўтган БМТнинг Мингйиллик Саммитида янги босқичга кўтарилди. Ўша саммитда бутун дунё мамлакатлари раҳбарлари қашшоқликка барҳам бериш ва барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун БМТнинг Мингйиллик ривожланиш декларациясини қабул қилдилар.

2002 йилнинг апрель ойида Гаага шаҳрида бўлиб ўтган "Биологик хилмахиллик тўғрисида"ги Конвенция томонларининг VI анжуманида "Ўсимликларни сақлаш глобал стратегияси" қабул қилинди. Унинг асосий ва узоқ муддатли мақсади ўсимлик хилмахиллигининг узлуксиз қисқариб боришини тўхтатишдир. Шу мақсадда ушбу дастурга генетик хилмахиллик, систематика ва таксономия, экологик ва биологик усуллар билан ўсимликларни ҳимоя қилиш масалалар бўйича ҳам ёввойи табиат, ҳам инсон фаолияти шароитида илмий тадқиқотларни олиб боришга ёрдам кўрсатиш каби вазифалар киради.

Табиатни муҳофаза қилиш ҳамда барқарор ривожланиш учун биологик хилмахилликни сақлаб қолишнинг ўта муҳимлигига катта аҳамият берган ҳолда, 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси "Биологик хилмахиллик тўғрисида"ги Конвенцияга аъзо бўлди. 1998 йили ҳукуматимиз томонидан "Ўзбекистон Республикасининг биологик хилмахилликни сақлаш бўйича Миллий стратегия ва Ҳаракатлар режаси"нинг қабул қилиниши асосида Конвенция доирасидаги мажбуриятларни бажариш йўлида илк қадам ташланди. Мамлакат умумий майдонининг 10 фоизидан ортиғида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг барқарор тизимини яратиш мазкур стратегиянинг асосий вазифаларидан бири сифатида акс этган.

"Ўзбекистон Республикасининг биологик хилмахиллигини сақлаш бўйича Миллий стратегия ва Ҳаракатлар режаси"ни бажаришга йўналтирилган "Ғарбий Тянь-Шанда биологик хилмахилликни сақлаш бўйича ҳамкорлик тўғрисида"ги, "Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида"ги, "Ўсимликлар карантини соҳасида ҳамкорлик тўғрисида"ги ҳукуматлараро битимлар имзоланди. Ҳукумат томонидан 2008 йил 19 сентябрь куни қабул қилинган "2008-2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ҳаракат дастури"да ҳам биологик хилмахилликни сақлаш табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида акс этган.

Ўзбекистоннинг юқорида қайд этилган Конвенцияга қўшилиши биологик хилмахилликни сақлаш, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизимини такомиллаштириш соҳасида ташқи инвестицияларни жалб қилиш ҳамда халқаро молиявий манбалардан фойдаланишга кенг йўл очиб берди. Ҳозирги пайтда мамлакатимиз биохилмахилликни сақлаш масалалари бўйича бир қатор халқаро молия институтлари ва табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Конвенция доирасида республикада "Ғарбий Тянь-Шаннинг биохилмахиллигини сақлаб қолиш бўйича трансчегаравий лойиҳа" амалга татбиқ этилди. Лойиҳа маблағлари Чотқол биосфера қўриқхонаси ва Угом-Чотқол миллий боғи инфратузилмасини яхшилашга йўналтирилди. Бундан ташқари, минтақавий миқёсда (Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон) биоминтақавий режани тузиш бўйича ишлар олиб бориляпти. Шунингдек, ГЭФ ва БМТ Тараққиёт Дастури билан ҳамкорликда "Ўзбекистонда биохилмахилликни сақлаб қолиш учун модел сифатида Нурота-Қизилқум биосфера резерватини ташкил этиш" ва "Қорақалпоғистон Республикаси Амударё дарёси дельтаси тўқай ўрмонзорларини сақлаш ва муҳофаза этиладиган ҳудудлар тизимини мустаҳкамлаш" лойиҳаси амалга оширилди.

1997 йилдан бошлаб Ўзбекистон "Йўқолиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турлари билан халқаро савдо қилиш тўғрисида"ги Конвенцияни (Вашингтон, 1973 йил) имзолаган томон сифатида республика ҳудудидан қўриқланадиган турларни олиб чиқиш ва республикага олиб киришга рухсат бериш тизимини жорий этиб, савдо операцияларини лицензиялаштириш, ҳайвонлар ва ўсимликларни олиб кириш ва олиб чиқишнинг доимий назоратини йўлга қўйди.

"Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрувчи турларини муҳофаза қилиш бўйича Конвенция (Бонн, 1979 йил) доирасида Жиззах вилоятидаги "Тузкон", Бухоро вилоятидаги "Денгизкўл" ва "Қорақайир", Қорақалпоғистон Республикасидаги "Оқушпа" кўлларида орнитология қўриқхоналари яратилди. Самарқанд, Қашқадарё ва Навоий вилоятларининг чўл туманларида йўқолиб бориш хавфи остидаги қуш — туваloқнинг уялаши, кўпайиши ва учиб ўтиш жойларини ҳамда Устюрт платасида кўчиб юрувчи сайғоқларнинг популяциясини муҳофаза қилиш мақсадида буюртмахоналар ташкил этилди.

Ўзбекистонда биохилмахиллик қисқаришининг экологик муаммолари трансчегаравий характерга эга. Шу боис, республикамизда фауна объектларини муҳофаза қилиш ва сақлаш мақсадида Қозоғистон билан "Сайғоқни сақлаб қолиш, тиклаш ва ундан барқарор фойдаланиш бўйича ҳамжиҳатлик ҳақидаги Меморандум ва Ҳаракат режаси" имзоланди. Шунингдек, Африка — Евроосиёда кўчиб юрувчи сув-ботқоқ қушларини муҳофаза қилиш бўйича битим имзоланган бўлиб, мамлакатимиз "Сувда сузувчи қушларни ва Марказий Осиё учиш йўлидаги сув-ботқоқ ҳудудларини муҳофаза қилиш стратегияси"ни ишлаб чиқиш лойиҳасида иштирок этди.

"Асосан сувда сузувчи қушлар яшаш жойлари сифатида халқаро аҳамиятга эга бўлган сув-ботқоқ жойлари тўғрисида"ги Конвенция (Рамсар, 1971 йил) талабларини бажариш ва республикада сув-ботқоқ ҳудудлари биохилмахиллигини сақлаш мақсадида аниқ йўналтирилган ишлар олиб борилмоқда. Тайёрланган ҳужжатлар асосида "Денгизкўл" ва "Айдар-Арнасой" кўллар тизими халқаро аҳамиятга эга бўлган сув-ботқоқ ҳудудлари сифатида Рамсар рўйхатига киритилди. Ёввойи табиатни муҳофаза қилиш халқаро фонди (WWF) билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикасидаги "Судочье" кўли биохилмахиллигини муҳофаза қилиш ва мониторинги бўйича лойиҳа амалга оширилди. Бунинг натижасида мазкур кўлни халқаро аҳамиятга эга бўлган сув-ботқоқ ҳудудлари рўйхатига киритиш учун асосли ҳужжатлар тайёрланди.

Республика Фанлар академияси маълумотларига кўра, Ўзбекистон флорасида ўсимликларнинг 4600 дан ортиқ тури мавжуд. Уларнинг 3000 дан ортиқ тури ёввойи ҳолда ўсади. Республика фаунаси 97 тур сутэмизувчилар, 424 тур қушлар, 58 тур судралиб юрувчилар, 83 турдаги балиқлардан иборат. Бу юртимиз флора ва фаунаси нақадар бой эканлигидан далолат беради.

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларидан самарали ва оқилона фойдаланиш мақсадида Фанлар академиясининг Биохилмахилликдан фойдаланиш бўйича Идоралараро комиссия томонидан 1991 йилдан бошлаб ҳайвонот дунёсини табиатдан олишнинг рухсат этилган квоталари, 1993 йилдан эса ўсимлик хомашёсини тайёрлаш бўйича квоталари ўрнатилди.

Давлатимизнинг узоқни кўзлаган, келажак авлодлар ҳаёти учун қулай шароит яратишни таъминлашга йўналтирилган экологик сиёсати янги муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни, қўриқхоналарни, миллий боғларни, биосфера резерватларини яратишда яққол намоён бўлмоқда. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардаги флора ва фаунани муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асослари Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги, "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Ўрмон тўғрисида"ги қонунларида белгилаб қўйилган.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар табиий мувозанатни таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Улар инсон яшашининг зарур шарти бўлган экологик барқарорликни сақлаш ва табиий экотизимларни тиклашнинг муҳим мезони саналади. Бугунги кунда республикамизда 8 та давлат қўриқхонаси, 1 давлат биосфера резервати, 2 та миллий боғ, 10 та давлат буюртма қўриқхонаси ва ҳайвонларнинг ноёб турларини кўпайтириш бўйича 3 та марказ ҳамда 6 та табиат ёдгорликлари фаолият кўрсатмоқда. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар участкаларида ёввойи ҳайвонларнинг ҳамда ўсимликларнинг ҳозирги ҳолати ва уларнинг ҳисобини юритиш бўйича, шунингдек, флора ва фаунанинг йўқ бўлиб кетиш хавфи остида бўлган ноёб турларини кўпайтириш ва қайта етиштириш, сақлаш бўйича илмий-текшириш, ташкилий-техник тадбирлар олиб борилмоқда.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 январдаги "Ўзбекистондаги БМТнинг минг йиллик тараққиёт мақсадларни амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари доирасида аҳолининг турмуш даражасини босқичма-босқич оширишга қаратилган "2011-2015 йилларда Ўзбекистонда БМТнинг минг йиллигини ривожлантириш мақсадларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлари Комплекси" тасдиқланди.

Белгиланган мақсадларга эришиш учун экологик барқарорликни таъминлаш вазифалари "Биохилмахилликни сақлаш бўйича Миллий стратегия ва Ҳаракат режаси"ни такомиллаштириш, Оролбўйида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, "Қорақалпоғистонда Амударё дарёси дельтасида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизимини мустаҳкамлаш ва тўқайзор ўрмонларни сақлаш" лойиҳасини жорий қилиш, сув ҳавзаларининг биологик ресурслардан самарали фойдаланиш ва уларда балиқ етиштиришни ривожлантириш бўйича биологик асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш учун сув ҳавзаларининг экологик ҳолатини баҳолаш, энергиянинг экологик тоза турларни татбиқ этиш ва бошқаларни ўз ичига олади.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги геосиёсий мақоми ҳамда минтақада глобал таъсирига эга бўлган трансчегаравий экологик муаммоларни ҳал этишдаги ўрнидан келиб чиққан ҳолда, Халқаро конвенциялар ҳамда Мингйиллик мақсадларида баён этилган йўналишларнинг бажарилиши ўта долзарб вазифага айланмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил бозор ислоҳотлари, иқтисодиётдаги туб ўзгаришлар, аниқ йўналтирилган ижтимоий сиёсат туфайли БМТнинг Мингйиллик мақсадларининг бажарилиши ва мамлакатимизнинг барқарор ривожланиш, биологик хилмахилликнинг сақланишига хизмат қилмоқмоқда.

Борий АЛИХОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари,
Содиржон ЖАКБАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Модернизация

Фаолият кўлами кенгаймоқда

Бугун юртимизда барча соҳаларда бўлгани сингари гидрометеорология тизимида ҳам кенг кўламли модернизация ишлари олиб борилмоқда. Айни дамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати марказининг мамлакатимизнинг турли ҳудудларида 78 та станцияси ва 144 та пост бўлинмалари фаолият кўрсатяпти. Бу станциялардан олинган маълумотлар марказий бошқармага берилади ва таҳлил қилиниб, керакли идораларга тарқатилади.

— Бизни кўпчилик фақат об-ҳаво маълумотларини аниқлаш билан шуғулланади, деб ўйлайди, — дейди марказ раиси ўринбосари Бахтиёр Қодиров. — Лекин марказимиз ушбу ишдан ташқари атмосферанинг ифлосланиш даражаси, ёғингарчилик миқдори, дарё сувларининг сатҳини ўрганиш билан ҳам шуғулланади. Бу жараёнларда бизга замонавий технологиялар яқиндан ёрдам беради. Шу боис кейинги йилларда 10 та вилоят аэропортларида автоматик метеостанциялар ўрнатилди. Улар шамол ва ҳаво ҳароратини ўлчаб ахборот марказига жўнатади. Шамол тезлигини билиш соҳамизда муҳим саналади. Агар шамолнинг тезлиги аниқ белгиланса қолган башоратлар тўлиқлигича тўғри чиқади. Шунинг учун ускуналар берган ахборотлар эътиборли ҳисобланиб, улар доим назорат қилиниб турилади. Бу технологиянинг қулайлиги шундаки, у автоматик тарзда маълумотларни узатади.

Шу билан бирга, Германия ва АҚШдан уч радио локаторлар олиб келиб ўрнатилди. Улар Тошкент, Нукус ва Самарқанд шаҳарларида ишга туширилган. Мазкур технологиянинг имкониятлари шундан иборатки, у радиуси 300 километр ҳудуддаги об-ҳавони назорат қилиб, булутлар ҳолатини, ёғингарчилик даражасини кўрсатиб беради. Бу бизга сел хавфи бор ҳудудларни қисқа муддатда олдиндан айтиб бериш имкониятини яратади. Худди шундай локаторлар кейинчалик Фарғона водийсида ҳам ўрнатилиши режалаштирилган.

Яна бир янгиликни айтиб ўтиш жоиз. Яқинда марказ томонидан янги космик ахборотларни қабул қилиш станцияси ишга туширилди. У Россиянинг СКАНЭКС муҳандислик-технологик маркази томонидан ишлаб чиқилган. "УниСкан-24 универсал" номли мазкур аппарат АҚШнинг "Терра Модис" сунъий йўлдошидан тасвир ва ахборотларни олиб таҳлил қилади. Эътиборлиси, ушбу ускуна бир йўлдош эмас, балки бир неча йўлдошдан бир пайтда маълумот олиш имкониятига эга. Шунингдек, бу йўлдош орқали булутлар ҳолатини, ўсимликлар ва тупроқ аҳволини ўрганиш мумкин. Бу эса ахборотларни турли хўжалик фаолиятида ҳам фойдаланиш имкониятини яратади. Хусусан, метеорологик параметрларга тезкор баҳо бериш, муз ва тоғ қор қопламлари ҳажмини билиб тўпланган сув миқдорини олдиндан башорат қилишни таъминлайди.

Қолаверса, мазкур технология ўрмон ва чўл ёнғинлари, чанг бўронлари бошланишини олдиндан айтиб бера олади. Бундан ташқари, олинган маълумотлар орқали қишлоқ хўжалик майдонларининг аҳволини, экинлар ҳолатини, ерлардан мақсадли фойдаланишни мониторинг қилиш ва яйловларнинг деградация даражасига баҳо бериш имконияти мавжуд бўлади. Эндиликда вилоят ёки туман ер майдонларидаги экинлар аҳволини бир неча соат ичида аниқлаш мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, "Ўзгидромет" маркази томонидан кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Жумладан, замонавий технологиялар билан ишлай оладиган ёшларни тайёрлаш учун гуруҳлар ташкил этилиб, уларни хорижда ўқитиш кўзда тутилилган.



Бобур МУҲАММАДИЕВ,
"Hurriyat" мухбири

Ҳамкасблар

“САЛОМ СИЗГА ХОРАЗМДАН”

ёки мақоланинг таъми ҳақида

Газеталаримиздан бирида чоп этилган ажойиб бир мақолани ўқиб:

— Таъми жуда зўракан-да! — десам, ёнимда ўтирган киши:

— Тавба, овқатнинг таъми, меванинг таъми бўлишини билардим, мақоланинг таъми бўлишини биринчи марта эшитишим, — деб қолди.

— Бўлганда қандоқ! — дедим мен.

Камина мақола таъмини туядиган, ҳаётини, борлиғини газетачиликдек сермашаққат ва масъулиятли соҳага бағишлаган кўплаб ҳамкасбларимизни биламан. Улардан бирининг қунту ихлосига, айниқса, қойил қолган жойим бор. У кўп йиллардан буён Тошкентда нашр этиладиган тармоқ газеталаридан бирининг вилоятдаги мухбири бўлиб ишлайди. Уйи вилоят марказидан етмиш чақиримча олисда, тоғ бағридаги қишлоқда. Шу тинчимас ҳамкасбимиз, ўзи хизмат қиладиган газета тарқатиладиган куни, саҳармардонда автобусга ўтириб, вилоят марказига ошиқади. Кундалик газеталар темирйўл шоҳ бекатидаги почтага олиб келиниб, шу ердан туманларга юборилади. Ҳамкасбимиз газета қабул қилиб олинадиган туйнукка бош суқиб, таниш сараловчи аёлдан бир дона янги газетани сўраб олади. Тик турган қуйи мақоласига қувонч ва ҳаяжон билан тикилади. Шу ернинг ўзида ўқиб ҳам чиқади. Кўнгли хотиржам тортиб, яна келган йўлига равона бўлади.

Мақоласи чоп этилган газетани авайлаб ушлаганча, ҳозиргина ўзи келган автобусга қайтиб чиқаётганини кўриб, бир гал:

— Нима, шаҳарда ишингиз йўқмиди? — деб сўраганим ёдимда.

— Йўқ, — деб жавоб берган у.

— Демак, атайин шу газетани кўриш учун келдингиз, шундайми?

— Албатта-да.

— Ахир, сал туриб, тушга қолмай газета сиз яшаётган туман почтасига ҳам боради-ку?

— Унгача сабрим чидамайди, рости. Ўзим ёзган мақолани кўрмагунимча кўнглим ўрнига тушмайди. Газетани қўлга олиб кўргач, яйрайман! Ўқигач эса, энг тотли неъматни татиб кўргандек лаззат туяман!

Бундай одамларни одатда “фанат” дейишади. Яъни ўз касбини ниҳоятда севадиган, усиз ўзини, умрини тасаввур ҳам этолмайдиган кишилар.

Юқорида таъкидланганидек, орамизда бундай фидойилар оз эмас. Ўзи ишлаётган газетага яхши бир мақола ёзиш, қандайдир теша тегмаган мавзуларни излаб топиш, газетхонлар эътиборини тортадиган, одамларга нимадир берадиган янгиликларни ахтариш, уни қоғозга тушириш, газетада чиқариш, бундан ўзида бир олам завқ ва ҳузур туйиш бундайлар учун одатий ҳол. Бу йўлда ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтишга, иссиқни иссиқ, совуқни совуқ демай йўл босишга, тунларни тонгларга улаб, кўз нурини тўкишга тайёр улар. Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов “Баланд тоғ чўққисига чиқиш нечоғли қийин бўлса, ҳақиқий журналистнинг меҳнати ҳам шундай оғир ва машаққатли” деганларида ана шундай ҳамкасбларимизни назарда тутган бўлса, не ажаб?!

Яқинда шоир ва журналист Норқобил Жалилни “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида чиққан “Бобожон бобонинг боғи” деган мақоласи билан табрикладим. Зўр мақола. Ижодкор дўстимиз қаҳрамони билан тасодифан шифохонада бирга ётиб танишган, билсаки, у дала-даштларга кўчат экиб, мева етиштириб, шундан, эл-юрт корига яраштдан ҳаловат топадиган саховатпеша инсон экан. Киши ўқиб ҳузур қиладиган мақола шу тариқа юзага келган...

“Халқ сўзи” газетасида Дилмурод Содиқовнинг Наврўзга бағишланган бир эмас, иккита мақоласи эълон қилинди. Уларнинг бирига “Ўзга дамни дам дема” деб сарлавҳа қўйилган бўлса, яна бири “Мардлик ва шижоат ифодаси” деб номланган. Ҳар икки мақолани ўқиб, эрта кўкламда тоғдан териб келинган бойчечак бўйидан баҳра олгандек бўлдим. Эътироф этиш керак, республикамизнинг деярли ҳамма газеталарида баҳор байрамига бағишланган жуда кўплаб мақолалар ёритилди. Уларнинг ҳаммаси ҳам ўқишли, киши эътиборини тортади, албатта. Дилмуроднинг мақолалари эса булар ичида ўзига хос услуби, ранги, рафтори билан ярақлаб турибди.

Ҳар бир газета таҳририятида ўз касбига ихлос қўйиб, соҳасини чин дилдан ардоқлаб эъзозлайдиган, тиниб-тинчимас, истеъдодли журналистлар бор. Уларни сиз яхши танийсиз, азиз ўқувчи. Айни пайтда сиз яхши билавермайдиган, танийвермайдиган, сиз ҳар куни қўлингизга оладиган севимли газетангизда мақолаларни ўрни-ўрнига жойлаштириб, газетани тузадиган, тузайдиган, лўнда қилиб айтганда, газета қиёфасини белгилайдиган соҳа эгалари борки, уларни театр саҳнаси ортида ишлаётган, томошабинга кўринмаса-да, спектаклнинг спектакль бўлишига катта ҳисса қўшадиган режиссёрларга, рассомларга, саҳна ишчиларига қиёслагим келади. Булар газета таҳририятларининг масъул котиблари, навбатчи котиблари, дизайнер — операторлар... Улар ҳам ҳар бир мақола таъмини уни ёзган муаллифдан-да яхшироқ биладилар, ҳис этадилар. Шунга кўра иш тутадилар.

Ана шундай жонкуяр ижодкорлардан бири Аброр Орипов бўлади. Аброржон “Халқ сўзи” газетаси масъул котибининг ўринбосари. Мамлакатимиз етакчи газетасининг ўзига хос, бетакрор қиёфасида бу тажрибали мутахассиснинг ҳам камтарона ҳиссаси бор. У қайси мақола ёки суратни қаерга, қай ҳолатда жойлаштиришни яхши билади. Севимли газетамизда ҳар ой бериб бориладиган “Абадият гулшани”, “Водийларни яёв кезганда”, “Спортнинг сирли олами”, “Онажоним табиат”, “Юзмаюз” каби кўплаб ажойиб саҳифаларнинг дунёга келишида Аброржон ва унинг Юсуфжон Ҳамидов, Жамшид Тоғаев, Муҳаммадали Бекмуродов, Мамлакатхон Аҳмедова сингари сафдошларининг фидойи меҳнати, изланишлари ётибди.

Ана шу мақолани ёзиб ўтирганимда телефоним сас бериб қолди.

— Сизга Хоразмдан, Боғибек оғадан салом, — деди нотаниш овоз. — Оға “Халқ сўзи”нинг кейинги сонларидан бериб юборишингизни илтимос қилган эдилар. Киоскаларда қолмаган экан...

Бу гапдан хурсанд бўлиб, ўзимга олиб қўйганим бир неча газетани пастга олиб тушиб бердим. Демак, мақола тотини яхши идрок этадиган журналистлар билан бирга, газетамизнинг ҳар бир сонини топиб ўқийдиган, ҳар бир мақола таъмини туядиган мухлисларимиз ҳам бисёр.

Борингизга шукур, азизлар!

Али ЗИЁД

Журналларни варақлаганда

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишда ОАВ, хусусан, матбуотнинг ўрни беқиёс. Юртимизда бу соҳани тарғиб этаётган, халқимизнинг ҳуқуқий билимини оширишга ҳисса қўшаётган нашрлар талайгина. Ана шулардан бири — “Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари” илмий-маърифий журналидир.

Ҳуқуқий саводхонлик йўлида

Яқинда мазкур нашрнинг жорий йилдаги биринчи сони чоп этилди. Унда эълон қилинган қизиқарли ижод маҳсуллари ҳеч бир муштарийнинг эътиборидан четда қолмайди. Чунки журналнинг ушбу сони Мустаҳкам оила йилига бағишланган бўлиб, унда жамиятнинг оиланинг ҳуқуқий асосларига қаратилган мақолаларга кенг ўрин берилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Ниғматилла Йўлдошевнинг “Оила — жамият таянчи” мақоласида юртимизда оилалар фаровонлигини ошириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар, яратилаётган имкониятлар ва қонунларимизда у давлат муҳофазасига олингани борасида фикр юритилган.

Шунингдек, ушбу мавзуда оид “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви раиси Анвар Аҳмедовнинг “Жамият барқарорлигининг асоси” мақоласи ҳам долзарблиги ва ҳаёт билан чамбарчас боғлиқлиги билан муҳимдир.

Бундан ташқари, журнал саҳифаларидаги “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамиятига”, “Юксак маънавият — енгилмас куч”, “Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя”, “Ҳуқуқ назарияси муаммолари” ва “Ўзбекистон ва жаҳон” рукнларда айни пайтда муҳим бўлиб турган мавзуларда ёзилган материаллар ҳам ўрин олган. Муаллифлар — Ҳафиза Каримованинг “Ёшларда сиёсий маданиятни шакллантириш манбалари”, Мансур Мусаевнинг “Миссионерлик ва прозелитизмнинг сиёсий мақсадлари”, Луқмонжон Исоқовнинг “Ҳуқуқий тилшуносликда таҳрир, талқин ва таржима” мақолаларини фикримизнинг исботи сифатида келтириб ўтиш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, “Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари” журналининг ушбу сони материалларининг пухта ишланганлиги, давр билан ҳамнафаслиги ва долзарблиги билан аҳамиятлидир.

Азим БАҲОДИР

Таклиф

Ҳар қандай ахборот кишига нимадир ўргатади, билим беради. Маҳсулот ёки хизматлар ҳақидаги янги маълумотлардан воқиф этади. Ахборотнинг бир тури бўлган рекламалар ҳақида ҳам худди шундай фикрни билдириш мумкин. Аммо машҳур санъаткорлар иштирок этаётган айрим реклама роликлари орқали таништирилаётган воситаларнинг, хизматларнинг барчаси ҳам фойдали, дея олмаймиз.

Сўзда сеҳр бор

Сўзда сеҳр бор, дейишади. Сўз воситасида одамларга таъсир кўрсатиш осон. Масалан, уяли телефон компанияларининг «Мусиқий фон» хизмати ҳазил нақобида очиқчасига дўстларни алдашга тарғиб қилаётганини таъкидлаш ўринли. Бу хизмат турини ўз телефонига юклаб олган одам хоҳлаган кишини ўз ёлғонига ишонтириши мумкин. Айтайлик, сиз билан гаплашаётган дўстингиз мен ҳозир соҳилдаман деса, орқа фонда денгиз тўлқинларининг шовурини эшитиб, унинг гапи рост эканига ишонишингиз табиий. Лекин одам бу йўл билан фақат дўстига ҳазиллашса кошки эди. Қизиғи, бу хизматнинг рекламасида ҳам ходим ҳали ўрнидан турмасдан бошлиғига «пробка»да қолиб кетдим», деб машиналар шовқинини чиқариб беради, дискотекада ялло қилиб юрган қиз: «Консерваторияда концертдаман», дея ўз онасини алдайди... Бу хизматнинг жамиятга қандай фойдали томони борлигига, очиғи, у қадар тушунмадим.

Анча аввал янги номер сотиб олмоқчи бўлиб, телефон компанияси офисига боргандим. Қизиқ воқеанинг гувоҳи бўлдим. Навбат кутиб ўтирсам, бир аёл келиб операторга:

— Ўйимизга хат борган экан, 76 минг сўм қарз бўлибсиз, деган. Нега бундай бўлганини билгани келдим, — деди.

Оператор номерни текшириб кўриб: «Сиз тўртталик номерларга телефон қилиб, қўшиқ ва ҳазилларни юклаб олгансиз, шунинг учун шунақа қарз чиқаяпти», — деб жавоб берди.

Аёл ҳайратдан елка қисди:

— Мен умуман унақа нарсага қизиқмайман. Қанақасига бунақа бўлиши мумкин? Ким биландир соатлаб гаплашмасам..

Оператор пинагини ҳам қоқмай, саволга савол билан жавоб қайтарди:

— Телефонингизни бировга ёки фарзандларингизга бермагандингизми?

Ўйга чўмган аёлнинг қиёфаси баттар маҳзунлашиб кетди...

Тўғри, бу ерда айб телефонини ёш фарзандига бериб қўйган аёлнинг ўзида. Аммо телевединие орқали ҳадеб шунақа рекламалар тиқиштирилаверса, қизиқувчан болада нима гуноҳ? Шундай экан, бугун, назаримда, рекламаларнинг ижтимоий ва тарбиявий аҳамияти, маданий-маънавий савияси хусусида ҳам ўйлаб кўрсак, зарар қилмасди.

Зуҳра ХАЛИЛОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

Ёзувчилик даъвоси билан чиқдингизми, гап санъати эмас, сўз санъатига амал қилиб, уларни танлаб-танлаб, ўрни-ўрнига қўйиб ёзинг-да, барака топкур!

Эркин АЪЗАМ

Таҳририят аралашгач

Олти йиллик оворагарчилик барҳам топди

Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият. Унинг дахлсизлиги, манфаатларининг устунлиги ҳар қандай юрт тараққиётининг асоси бўлиб хизмат қилади. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида кўплаб ислоҳотлар амалга ошириб келинаётганининг боиси ҳам, аслида, ғайриқонуний ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган. Турли сабаблар туфайли мутасадди идоралар томонидан ҳал қилинмаган муаммолар, низоларнинг оммавий ахборот воситалари аралашуви билан ижобий ҳал этилаётгани бунинг амалий исботидир.


Aloqa korxonasi indeksi | Va jo'n

Ариза

Жорий йилнинг 28 апрель куни таҳририятимизга Жиззах вилояти Зарбдор тумани Бўстон шаҳарчасидаги «Шодлик» маҳалласида истиқомат қилувчи Меҳрибону Саидова номидан шикоят хати келди. Унда муаллиф укаси Элдор Саидовнинг номига расмийлаштирилган ер участкаси ҳудудига қўшниси И.Ғойибназаров пойдевор қуриб олганидан шикоят қилади.

Маълум бўлишича, вилоят Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси бўлими мутасаддилари Зарбдор туман прокуратурасига шикоятчиларнинг 0,06 га ер участкасидан ўн икки метри, яъни 457,7 м² ер майдони туман захира фондига киради, деб нотўғри хулоса беради. Туман архитектори ҳам И.Ғойибназаровнинг ўз участкаси ҳудудини қўшниларининг қонуний ер мулки ҳисобидан 326 м²га кенгайтириб олганини билса-да, бунга кўз юмиб қўя қолади. Бу ҳам майли жабрланувчиларга «оқилона» маслаҳат беришдан ҳам тап-тортмайди: «Сизлар бемалол газ қувурига яқин қилиб уй қуравергинглар»...

Таажжублиси, мутасадди идоралар ҳам бу масалага сансалорлик билан қараб, зарур чоралар кўрмай, хатга хат билан жавоб қайтараверади. Натижада жабрланувчилар қаерга юзланишини, дардини кимга айтишни билмай, аросатда қолишади. Ва охири сўнгги илинж сифатида таҳририятимизга хат йўллашга мажбур бўлишади.

Муаллиф ўз мактубида ҳокисорлик билан ёзади: «1994 йилдан 2010 йилгача оиламиз билан ҳар кимнинг уйида ижарада яшаб келдик. Ахир, биз ҳам тезроқ қонуний ер участкамизни олиб, уй қуришимиз керак. Ушбу аризадаги важларни қонуний ҳал қилинишига амалий ёрдам беришингизни илтимос қиламиз».

Ушбу ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар гарчи газетада чоп этилмаган бўлса-да, тегишли тартибда ўрганиб чиқиш ва журналист суриштируви ўтказиш учун таҳририятнинг буйруғига асосан вилоят мухбири Убайдулла Хўжаниёзовга юборилди.

Вилоят мухбири ўз ваколати доирасида туман ҳокимлигининг тегишли мутасаддилари иштирокида вазиятни ўрганиб чиқади. Натижада низо бартараф этилди: яқин қўшничиликка рахна солиб турган пойдевор олиб ташланиб, адолат қарор топди. Олти йиллик оворагарчиликка нуқта қўйилди.

Иномжон АБДИЕВ,
«Hurriyat» мухбири

Давр билан ҳамнафас

Истиқлол йилларида мамлакатимизда ОАВни, хусусан, матбуотни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Соҳага оид қабул қилинаётган кўплаб қонунлар ва қарорлар юртимизда журналистларни эркин фаолият юритишига имконият яратибгина қолмай, таҳририятларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамланишига ҳам мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир. Бунинг амалдаги ифодасини айни кунларда самарали ижод қилаётган қалам аҳли ҳамда эл орасига кириб борган нашрлар мисолида кўриш мумкин. Ана шундай нашрлардан бири "Фермер" журналидир.

Ўзига хос дизайн ва услубда журналхонлар эътиборига ҳавола қилинаётган нашр мавзуларнинг кўлами кенглиги ва ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Унинг жорий йилда чоп этилган январь, февраль, март, апрель сонларида эълон қилинган материаллар билан танишган ўқувчи бунга ўзи ишонч ҳосил қилиши, шубҳасиз. Жумладан, “Етти хазинанинг бири”, “Мутахассис маслаҳати”, “Тавсия”, “Санитария сабоқлари”, “Менинг томорқам”, “Изланиш ва самара” ва “Кўчатчилик” сингари рукнлар остида эълон қилинган ҳар бир мақола замон руҳига, одамлар кайфиятига мослиги ва долзарблиги билан эътиборлидир. Жумладан, “Ўғитлашда ҳам меъёр мавжуд” ва “Ток очиш муддатлари” каби ижод маҳсуллари соҳада меҳнат қилаётган ҳеч бир кишининг, шу жумладан, боғдорчилик, деҳқончиликка қизиққанларнинг назаридан четда қолмаслиги тайин. Чунки мақолалардаги таклиф ва тавсиялар мутахассислар томонидан билдирилган ва асослаб берилган. Шунинг учун уларни тайёр қўлланма, дейиш мумкин. Аҳамиятлиси, журнал саҳифаларида бу хилдаги материалларга кенг ўрин берилган.

Журнал ижодкорларининг яна бир ютуғи шундаки, улар “Мувозанат”, “Она табиат”, “Доривор ўсимликлар”, “Заминимиз неъматлари” ва “Табиат ва инсон” рукнида мунтазам равишда жонажон диёримизда ўсадиган камёб мевали ва манзарали дарахтлар, ўсимликлар, юртимизнинг турли ҳудудларидаги давлат қўриқхоналар хусусида батафсил маълумотларни бериб боришга интилади. Қолаверса, инсоннинг табиатга муносабати, экологик жараёнлар ҳам уларнинг эътиборидан четда қолмаган. Журнал саҳифаларидан ўлкамиздаги ноёб табиий бойликлар, уларни асраб-авайлашга чорловчи материаллар ҳам ўрин олгани нашрнинг янада ўқишлилиги ва қизиқарлилигини таъминлаган.

Журналининг ўзига хос жиҳатларидан яна бири — унда фермерларнинг маънавиятини ва маданиятини оширишга хизмат қиладиган материаллар доимий равишда эълон қилинишидир. Хусусан, унинг “Мозий”, “Тарихга янгича назар” рукнларида халқимизнинг бетакрор тарихи, ўлмас қадриятлари, миллий урф-одатлари ҳақида мақолалар бериб борилса, “Наср”, “Учрашув”, “Маънавият” рукнларида бугунги ўзбек адабиётининг кўзга кўринган вакилларининг ҳикоя ва қиссалари, кино ва театр вакиллари билан қизиқарли суҳбатлар оммага етказилади.

Таъкидлаш ўринлики, журнал саҳифаларидан ҳуқуқий материаллар ҳам кенг ўрин олган. Уларда бугун мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришларга, яратилаётган янги қонунларга, эълон қиланаётган қарорларга шарҳлар содда ва омма тушунадиган тилда бериб борилади.

Алишер ШАВКАТОВ

Дараклар

ЕВРОПАДА ЗИЛЗИЛАЛАР КУЗАТИЛМОҚДА

Сешанбага ўтар кечаси Болгарияда ер силкиниши кузатилди. АҚШ геология хизматининг сайтида унинг тебраниш даражаси 5,8 баллни ташкил этгани тўғрисида маълумотлар тарқатилди. Сейсмологларнинг таъкидлашича, зилзиланинг маркази София шаҳридан 24 километр узоқликда бўлган. Ҳозирча мазкур табиий офат келтирган зарар тўғрисида ҳеч қандай маълумотлар йўқ.

Яна бир шундай ер силкиниши Европанинг бошқа мамлакати — Италияда ҳам содир бўлди. Мамлакатнинг шимолий ҳудудидаги Эмилия-Романья туманида кузатилган зилзиланинг кучи 5,9 балл деб қайд этилди. Ушбу табиий офат натижасида олти нафар киши ҳаётдан кўз юмган, 3 мингга яқин киши эса ўз уйларини ташлаб чиқишга мажбур бўлган.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, Италияда бундай ҳолат бир неча кундан бери кузатилмоқда. Хусусан, якшанба куни Италиянинг Болония шаҳри яқинида ер қимирлаши сабабли етти киши ҳаётдан кўз юмган, 50 нафар одам эса турли даражадаги тан жароҳати олганди. Айни пайтда мамлакатда вақтинчалик ташкил этилган лагерларда зилзила оқибатида бошпанасиз қолган 6 минг нафар одам яшашга мажбур бўлмоқда.

"САМО ДАРАХТИ"НИНГ ОШИҒИ ОЛЧИ

Кеча Токио шаҳрида дунёдаги энг баланд телеминоранинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Эътиборлиси, уни ўз кўзи билан кўриш учун Японияда Tokyo Skytree майдонига сайёрамизнинг турли бурчагидан саккиз минг нафардан ортиқ томошабин тўпланди. У ердаги битта ўринга 335 минг даъвогар бўлгани боис, чипталар «лотерея ўйини» тариқасида сотилган.



Сўнгги маълумотларга кўра, "Само дарахти"ни кўришга ошиқаётганларнинг сони бир кунда икки юз минг кишидан ошиб кетиши ҳам мумкин. Ушбу улкан иншоотга ташриф буюрганларга кўнгилдагидек хизмат кўрсатиш учун тўрт юз нафар хизматчи ёлланган. Сайёҳлар эса телеминора баҳонасида у қад ростлаган майдон, ўша туманнинг тарихи, табиати ва океанариум ҳамда планетария орқали атрофни ҳам томоша қилиши мумкин.

Шу ўринда телеминора учун чипталар жорий йилнинг июль ойига қадар сотувга чиқарилмаслигини айтиб ўтиш лозим. Уларни фақат буюртма йўли билан қўлга киритиш мумкин.

Айни пайтда телеминора FM-диапазонида радио тўлқинларни қабул қилишни бошлади. Япон телеканаллари эса унинг хизматидан кейинги йилдан бошлаб фойдаланмоқчи. Таъкидлаш жоиз, телеминоранинг баландлиги унинг антеннаси билан қўшиб ҳисоблаганда 634 метрни ташкил этади. Бу кўрсаткич билан у Хитойнинг Гуанчжоусидаги 600 метрли телеминорани ортда қолдиришга эришди.

Маълумот ўрнида "Само дарахти"ни қуриш 2008 йилнинг июлида бошлангани, уни бунёд этишда 580 минг нафар мутахассис жалб этилганини ва барча харажатлар учун 65 миллиард иен (812 миллион доллар) маблағ сарфланганини келтириб ўтиш мумкин.

ҒАРОЙИБ ТОПИЛМА

Daily Telegraph нашри тарқатган маълумотларга қараганда, Швециянинг жанубий қирғоқларида улкан сельд балиғи топилган. Сельдлар қироли деб номланувчи ушбу балиқнинг узунлиги 3,5 метрни ташкил этади. Худди шу кўринишдаги балиқ тури мазкур ҳудудда биринчи мартда бундан 130 йил муқаддам тутиб олинган. Мамлакатнинг жанубий қирғоғида жойлашган Боваллстрад қишлоғи ёнида аниқланган балиқ ўлик ҳолатда топилган.

Йўловчи Курт Ове Эрикссон аввалига уни катта пластмас бўлаги, деб ўйлайди, аммо топилмани яхшилаб кўздан кечиргач, ғайриоддий балиққа дуч келганини тушунади.Ўлик сельдлар қироли Лисекиле шаҳридаги музейга етказилиб, музлатиб қўйилди. Музей ходимларининг сўзларига қараганда, танасида чуқур кесилиш ҳолати аниқланган балиқнинг белидаги сузгичи ҳам бўлмаган.

Маълум бўлишича, сельдлар қироли дунёдаги энг узун балиқ тури ҳисобланади. Унинг узунлиги 12 метргача етиши мумкин.

ҚУЁШ ТУТИЛГАН КУНДА

21 май куни эрталаб Осиё қитъаси, шунингдек, Шимолий Американинг ғарбий соҳили аҳолиси табиатда камдан-кам рўй берадиган ҳодиса — қуёшнинг тўлиқ тутилишига гувоҳи бўлдилар. Бу гал ой қуёшни тамомила тўсиб қўйиб, самода нур халқаси кўриниб турди, холос.



Хитой жануби ҳамда Филиппиндаги аҳоли мазкур ҳодисанинг биринчи гувоҳлари бўлишди. Кўп ўтмай японияликларга ҳам шундай манзарани кўриш насиб этди. 20 май куннинг иккинчи ярмида АҚШнинг ғарбий соҳили ва Канадада ҳам қуёш тутилиши кузатилган эди. Жанубий Корея, Мексика ҳамда Россиянинг Сибирь қисмидаги ғаҳоли қуёш тутилишини маълум бир ракурсда кузата олдилар, холос.

Бу ноёб табиат ҳодисаси ҳақида астрономлар тарқатган хабарлардан сўнг одамларда уни кузатишга иштиёқ янада ортди. Гонконг ва Тайбэй обсерваториялари ходимлари кўплаб кузатувчиларни кутишга тайёргарлик кўрди. АҚШда қуёш тутилишини тамоша қилишни хоҳловчилар турли манзиллардан Калифорния штатида жойлашган Сакраменто шаҳрига етиб келдилар. Юзлаб одамлар Токиодан узоқ бўлмаган Босо ярим оролида бу ноёб ҳодисани кузатиш учун йиғилдилар.

Олимлар мазкур табиат ҳодисасини махсус кузатиш мосламаларисиз кўриш кўз учун хавфли эканини таъкидлашганидан сўнг Токиодаги дўконларда махсус кўзойнаклар тамоман сотилиб кетди.

Мазкур табиат ҳодисаси жониворларга ҳам ўз таъсирини ўтказган кўринади. Японияннинг Иокогама шаҳрида жойлашган ҳайвонот боғи душанба куни ўз эшикларини ташриф буюрувчилар учун одатдагидан барвақтроқ очди. Улар қуёш тутилиши ҳодисаси ҳайвонларга қай даражада таъсир кўрсатишини кузатдилар.

Қуёш тутилиши юз беришидан сал аввал Айти префектурасидаги ҳайвонот боғида сақланаётган мушуксимон лемурлар ғаройиб томошани бошлаб бердилар. Улар қутилмаганда дарахтларга, устунларга тирмашиб чиқа бошлади. Ой қуёшни тўлалигича тўсиб қўйганида, лемурлар шундай жазавага тушишдики, буни кўрганлар ҳайратдан ёқа ушлашди.

Интернет хабарлари асосида
Л.РАҲИМЖОНОВА ва А.РЎЗИЕВ тайёрлади.

Шарҳ

"Катта саккизлик"нинг улкан муаммолари

Ўтган ҳафта, аниқроғи 18-19 май кунлари Кэмп-Дэвидга йиғилган "катта саккизлик"ка аъзо давлатлар яна глобал молиявий инқироздан чиқиш борасида ягона тўхтамга келолмадилар.

Айниқса, Европа Иттифоқининг ягона пул бирлиги евро тақдири савол остида қолган бир пайтда ривожланган давлатлар клуби иқтисодий инқирозга қарши кураш стратегиясини қайтадан кўриб чиқиш лозимлиги хусусида қуруқ баёнотлар билан чекландилар.

АҚШ президенти Барак Обаманинг даъват қилишича, дунёнинг саноати ривожланган етакчи давлатлари бюджет маблағларини тежашдан деярли воз кечишлари ва эътиборни иқтисодиётни рағбатлантиришга қаратишлари керак бўлади. Бунда Греция марказий ўринда туриши, уни қутқаришга миллиардлаб доллар ажратилиши таъкидланди. Бироқ саноати ривожланган давлатларнинг ўзи чўнтаклари тешилиб, ёрдамга муҳтож бўлиб турганда молиявий тақчилликга учраган давлатларга қандай молиявий кўмак ажратиш масаласи қоронғу бўлиб турибди. Шуни ачиниш билан эътироф этиш керакки, жаҳон иқтисодиётида юзага келаётган муаммолар, асосан, қўшимча пул босиб чиқариш ва молия бозорини шундай пуллар билан тўлдириш ҳисобидан ҳал этишга қаратилган ҳаракатлар ҳам кўзга ташланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, келгусида жиловлаб бўлмайдиган инфляцияга, яъни қимматчиликка, захира ва миллий валюталарнинг қадрсизланишига ва шу билан боғлиқ оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳеч кимни қизиқтирмаяпти.

АҚШнинг Кэмп-Дэвид шаҳридаги саммитга йиғилган давлат ва ҳукумат раҳбарлари яна бир бор иқтисодий кескинлик ўчоғи евромакон бўлиб қолаётганлиги, энг қийин кунларни банкрот остонасида қолаётган Греция бошдан ўтказаётганини тасдиқлашди. Аммо тангликдан чиқиш йўл-йўриқлари борасида ҳануз келишмовчиликлар мавжудлигини назардан қочирмаслик керак. Олайлик, Германия канцлери Ангела Меркел хоним бўҳрондан чиқиш йўли сифатида барча давлатларга харажатларни тежаш таклифини илгари сураяпти. Маълумки, 1998 йилги глобал молиявий инқироздан Берлин айни услубларни қўллаган ҳолда чиқиб кетгани боис Европадаги аксарият давлатлар ўз ихтиёрлари билан кескин тежаш сиёсатини юргиздилар. Бу эса улар иқтисодиётининг қайта тикланиши суръатларининг пасайишига, ўз навбатида жамиятда норозиликларнинг кучайишига олиб келди. Шунинг учун Кэмп-Дэвид учрашуви қатнашчилари инқироздан чиқишга оид бир давлат тажрибаси иккинчи бир давлатга тўғри келмаслигига иқрор бўлиб, бошқаларни экспансив иқтисодий сиёсат юритишга чақирдилар. Айтиш жоиз: G8 мамлакатларига АҚШ, Буюк Британия, Канада, Япония, Италия, Франция, Германия ва Россия киради ва у халқаро ташкилот саналмайди. Халқаро миқёсда ҳуқуқий асосга ҳам эга эмас. Ҳатто унинг устави ҳам, котибияти ҳам йўқ. У шунчаки ривожланган мамлакатларнинг норасмий форуми саналади, холос.

"Катта саккизлик" чиқарган қарорлар, асосан, сиёсий характерга эга бўлиб, ҳеч қандай юридик кучга эга эмас. Блок дастлаб G6 кўринишида — Франция, АҚШ, Буюк Британия, ГФР, Италия ва Япония давлат ва ҳукумат раҳбарларининг 1975 йил 15-17 ноябрда Рамбуйедаги учрашуви асносида пайдо бўлди. Орадан бир йил ўтиб, олтилик Канада қўлишилиши ортидан еттиликка айланди. 1997 йилдан унга Россия ҳам таклиф этилди. Шундай бўлса-да, ҳозирда ҳам баъзи ўринларда G7 (Россиядан ташқари) алоҳида тилга олинади.

G8 иштирокчилари молиявий инқирозга қарши курашиш мақсадида ўз мамлакатларининг иқтисодиётини рағбатлантириш учун биргаликда ҳаракат қилишга ҳам келишиб олишди. Ҳозирда жаҳон иқтисодиётига хавф туғдираётган энг катта муаммо Европа банклари эканлиги таъкидланди.

Иқтисодий ўсиш ва янги иш ўринларини яратиш устувор вазифалар сифатида тилга олинди. Бу ўринда АҚШ раҳбариятининг ташаббускорлик кўрсатаётгани бежиз эмас, албатта. Кузатувчилар фикрича, Обаманинг қайта президент этиб сайланиши мамлакат иқтисодиётининг яхшиланишига бевосита боғлиқ. Демак, Америка иқтисодиёти соғломлашуви евромакондаги мамлакатлар иқтисодиётининг ҳам қанчалар мустаҳкамлигига бориб тақалади. ЕИ ва АҚШ ўзаро савдо ҳамкорлиги кўлами беқиёс эканлигини назарда тутсак, вазият ойдинлашади. — Агар бирор компания Париж ёки Мадриддаги савдо операцияларини қисқартиришга мажбур бўлса, бу Питтсбург ёки Милуокидаги ишчилар учун буюртма шунча камайиб кетишини англатади, — дейди Оқ уй раҳбари.

Саммитда асосий эътибор Грециягa қаратилгани бежиз эмас. Айниқса, 13 май куни Лондоннинг "Sunday Times" газетаси Греция саккиз ҳафтадан сўнг евро зонасини тарк этиши мумкинлиги юзасидан мақола чоп этиши АҚШ ва ЕИни саросимага солиб қўйди.

"Грециядa кучайиб бораётган сиёсий инқироз еврозона томонидан ушбу мамлакатга молиявий ёрдам кўрсатиш бўйича ишлаб чиқилган дастурни амалга оширишда хаосни келтириб чиқариши мумкин, — дея ёзди газета. — Грек партияларининг ҳукуматни шакллантириш бўйича қилган бир нечта муваффақиятсиз уринишлари июнда бўлиб ўтадиган янги сайловларни ўтказиш учун ҳам хавф туғдирмоқда. Бироқ, июнь охирига келиб, инқирозга қарши дастурга мувофиқ, Греция ҳукумати давлат харажатларини 11 миллиард еврога қисқартиришга мўлжалланган режани маъқуллаши лозим. Шундан сўнг Афина июль ойи бошида Европа Иттифоқи ва Халқаро валюта фонди томонидан тақдим қилинаётган кредитнинг навбатдаги траншини олиши мумкин бўлади".

Газетада қайд этилишича, Буюк Британия банклари Грециянинг евро зонасидан чиқишини 50-50 дея баҳоламоқда. Банклар Грециянинг ўз миллий валютасига қайтиши бўйича аллақачон тайёргарлик ишларини бошлаб юборишган.

Бу мамлакатнинг Европа валюта иттифоқидан чиқиши ҳамда бунинг ортидан юз бериши мумкин бўлган воқеалар еврозонага 235-780 миллиард еврога (0,3-1 триллион долларга) тушади. Бу еврозонага кирувчи 17 та мамлакат ялпи ички маҳсулотларининг 2-5 фоизига тенг демакдир. Бу ҳақда "The Guardian" нашри Британиянинг Иқтисодий ва бизнес тадқиқотлари маркази (The Centre for Economics and Business Research, CEBR) ҳисоботига таянган ҳолда маълум қилган.

"Катта саккизлик" аъзолари Грециянинг еврозонада қолиши тарафдори, шунинг учун Европадаги иқтисодий ўсишни рағбатлантириш борасида чоралар кўришга ваъда бердилар. Учрашув қатнашчиларини фақат иқтисодий масалалар ташвишга солгани йўқ. G8 етакчилари Эроннинг ядровий дастури атрофидаги вазиятдан ҳам ташвиш билдириб, расмий Теҳронни Бағдоддаги музокараларга масъулият билан келишга даъват этдилар.

Давлат ва ҳукумат раҳбарлари Шимолий Кореяга ҳам алоҳида эътибор қаратдилар. Улар КХДР томонидан баллистик ракеталар учирилиши, ерости ядровий синовлари ва бошқа шу каби хатти-ҳаракатларга қўл урилганини иғвогарлик деб баҳоладилар. G8 Пхеньянни халқаро мажбуриятларини оғишмай бажаришга, БМТга аъзо давлатларни Шимолий Кореяга нисбатан санкциялар режимига қатъий амал қилишга чақирдилар.

Якуний декларацияда саммит иштирокчилари Афғонистонда хавфсизликни таъминлаш, иқтисодиётни тиклаш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга кўмаклашиш юзасидан олинган мажбуриятга содиқликларини тасдиқлашди. Дарвоқе, Кэмп-Дэвидда охир-оқибат афғонларнинг ўзи ўз хавфсизликларини таъминлашига тўғри келишини алоҳида қайд этдилар.

Хуллас, аслида 1970-йилларда иқтисодий инқирозни ва шу муносабат билан АҚШ, Ғарбий Европа ва Япония ўртасидаги иқтисодий ва молиявий масалалар борасидаги келишмовчиликларни бартараф этиш мақсадида ташкил этилган катта саккизлик кейинги тўрт йилдан буён қабул қилинаётган қарорларга қарамасдан, жаҳон молия-валюта тизимида инқироз келтириб чиқараётган муаммоларни ҳал этиш ва керакли назорат ўрнатиш бўйича ягона иқтисодий модель ишлаб чиқолмади. Бу эса жаҳон иқтисодиётида ҳал қилувчи ўрин тутадиган йирик давлатларни ўз манфаатларини ўйлаб, ўз билганича ҳаракат қилишга мажбур этмоқда.

Абдували АБДУЛБОҚИЕВ

Реклама ўрнида

«TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI»

масъулияти чекланган жамияти 2012 йил 22 июнь куни очиқ аукцион савдоларини ўтказади

Савдоларга Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Б.Отохонов кўчаси, 314-уйда жойлашган Мирзо Улуғбек тумани Давлат солиқ инспекцияси балансидаги 1999й.и/ч, д/р 01/705DBA, бошланғич нархи 6 565 000 сўм бўлган «Нексия»; Юнусобод тумани, А.Темур кўчаси, 95-уйда жойлашган Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси балансидаги 1991й.и\ч, д\р 08-98 ТНС, бошланғич нархи 488 000 сўм бўлган «ГАЗ-2410»; 1995й.и\ч, д\р 10АХ772 бошланғич нархи 1 336 000 сўм ва 1995й.и\ч, д\р 10АХ708 бошланғич нархи 1 383 000 сўм бўлган 2та «ГАЗ-31029»; 1996й.и\ч, д\р 01/792ВАА, бошланғич нархи 8 226 000 сўм бўлган «Нексия»; 1996й.и\ч, д\р 01/971GAA, бошланғич нархи 20 544 000 сўм бўлган «Mersedes-Benz Sprinter» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Аукцион савдолари соат 10-00да бошланади. Буюртма қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18-00да тўхтатилади. Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдорида закалат пули «TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302088054, 20208000104932833002 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда навбатдаги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказиладиган савдоларга такроран қўйилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар белгиланган муддатларда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

— аукцион савдоларида қатнашиш учун буюртма икки нусхада;

— закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси;

— ҳуқуқий шахслар – давлат рўйхатидан ўтганликлари ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашишида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар – паспорт нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашишида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Буюртмалар аукцион ўтказиладиган қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 7-уй. Маълумотлар кўрсатилган ушбу манзилдан олиниши мумкин.

Алоқа телефони (+998 93) 388-6996,
электрон почта tkos-mail@inbox.ru

Шунингдек, ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра «Давлат белгиси» ДИЧБ Тошкент Босма фабрикаси балансидаги д\р 10АУ230 бўлган «Даймлер Бенц» — 9 310 000 сўмга; д\р 01 358 УАА бўлган «ГАЗ-3102» — 3 400 000 сўмга; д\р 01 327 УАА ва д\р 01 328 УАА бўлган 2 та «Нексия» — 5 700 000 сўмдан сотилганлигини маълум қилади.

Шу куннинг мавзуси

Оилавий тадбиркорлик: имконият ва имтиёз

Юртимизда тадбиркорликка, хусусан, оилавий тадбиркорликка катта кўмак ва рағбат берилиши, тегишли имтиёз ва преференцияларнинг яратилиши натижасида иқтисодиётимиз истиқболи тобора ёрқинлашиб бормоқда. Соҳага қаратилаётган бундай эътибор ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришга, аҳолини, асосан ёшларни иш билан таъминлашга ва шу аснода уларнинг турмуш фаровонлиги юксалишига асос яратмоқда.

Жамиятнинг бирламчи бўғини ҳисобланган оила инсоннинг шахс сифатида шаклланишида муҳим ўрин эгаллайди. Шу билан бирга у жамият шаклланиши, юксалиши ва тараққиётининг пойдевори ҳамдир. Республикамизда Президентимиз томонидан 1998 йилнинг «Оила йили», 2001 йилнинг «Оналар ва болалар йили», шунингдек, жорий йилнинг Мустаҳкам оила йили деб эълон қилинишининг ўзи фикримизга асос бўла олади.

Қолаверса, яқинда «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши ва оилавий тадбиркорлик субъектлари ташкилий-ҳуқуқий асосининг яратилиши бу борадаги ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқди, дейиш мумкин. Бу қонуннинг амалиётга жорий этилиши бежиз эмас эди. Чунки «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан аҳоли ўртасида ўтказилган сўров давомида бугун мамлакатимизда ҳар тўрт оиладан бири оилавий бизнес билан шуғулланаётгани аниқланган.

Шу ўринда қонуннинг мазмун-моҳияти, унда кўзда тутилган имтиёзлар тўғрисида тўхталсак. Унда "оилавий тадбиркорлик" ва "оилавий корхона" тушунчалари ўзаро ажратилган. Шунга кўра, оилавий тадбиркорликка оила аъзолари томонидан таваккал қилиб, ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолияти, дея таъриф берилган. Тадбиркорликнинг бу турини ўз иштирокчиларнинг ихтиёрийлигига асосланган ҳолда юридик шахс ташкил этган ёки этмаган ҳолда амалга ошириш мумкин. **Юридик шахс ташкил этган оилавий тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли оилавий корхона ҳисобланади.** У иштирокчилар томонидан товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) ва реализация қилишни амалга ошириш учун ихтиёрий асосда, уларнинг улушли ёки биргаликдаги мулкида бўлган умумий мол-мулк (шунингдек, улардан ҳар бирининг мол-мулки) негизида ташкил этиладиган кичик тадбиркорлик субъектидир.

Қонуннинг 5-моддасига кўра, оила бошлиғи, унинг хотини, болалари ва набиралари, ота-онаси, меҳнатга қобилиятли ёшга тўлган бошқа қариндошлари, хусусан, болалари ва набираларининг эрлари (хотинлари), туғишган ҳамда ўгай ака-ука ва опа-сингиллари, уларнинг эрлари (хотинлари) ҳамда болалари, тоға ва амаки ҳамда амма ва холалари оила корхонасининг иштирокчилари бўлиши мумкин. Фақат улар бир вақтнинг ўзида бир нечта оилавий корхона иштирокчиси бўла олмайди. Шунингдек, давлат органларининг мансабдор шахслари ҳамда қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланган бошқа шахслар ҳам оилавий корхона иштирокчилари бўлиши мумкин эмас.

Оилавий корхона ишчи-ходимларни ёллаши мумкин. Аммо корхона иштирокчилари ва унинг ёлланма ходимларининг умумий сони кичик тадбиркорлик субъектлари ходимларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ўртача йиллик сонидан кўп бўлмаслиги керак. Эътиборлиси, оилавий корхона иштирокчиларининг энг кам сони икки кишидан оз бўлмайди. Демак, оилавий корхона иштирокчиларининг шахсий меҳнатини амалга ошириш шартлари улар ўртасидаги келишувга кўра белгиланиши ҳамда ходимлари учун меҳнат ҳақи, мукофотлар ҳамда компенсацияларнинг шаклларини, тизимини ва миқдорини қонун ҳужжатларига мувофиқ мустақил равишда белгилаши мумкин.

Қонуннинг 12-моддасида оилавий корхонанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам белгиланган. Унга кўра, оилавий корхона мустақил равишда товарлар ишлаб чиқаришга (ишлар бажаришга, хизматлар кўрсатишга) доир фаолиятни ташкил этиш, ишлаб чиқарилган товарларни (ишларни, хизматларни) тасарруф этиш ва уларга нарх белгилаш, мустақил равишда ўз молиявий маблағларини шакллантириш, қарз маблағларини жалб этиш (шу жумладан, дастлабки (бошланғич) капитални шакллантириш учун кредитлар олиш, лизинг ва суғурта хизматларидан фойдаланиш, шартномалар тузиш, товарларни харид қилиш, чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиш, ўз фирма номи ёзилган муҳрлардан, бланкалардан ва штамплардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Таъкидлаш лозимки, оилавий корхона фаолиятнинг айрим турларини фақат махсус рухсатнома (лицензия) мавжуд бўлганда амалга ошириши мумкин. Акциз солиғи тўланадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва ер қаъридан фойдали қазилмалар кавлаб олиш каби фаолияти билан шуғулланиши таъқиқланади.

Қолаверса, қонунда оилавий тадбиркорлик субъектларига бир қатор имконият ва енгилликлар берилган. Жумладан, улар қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда ягона солиқ тўловини тўлайди. Олинган фойда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин унинг иштирокчилари тасарруфига ўтади ҳамда унга солиқ солинмайди.

Шунингдек, оилавий корхона турар жойдан бир вақтнинг ўзида унда истиқомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, коммунал инфратузилма хизматлари, хусусан, электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ таъминоти ва иссиқлик таъминоти ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар ва шартлар асосида амалга оширади.

Давлат органлари оилавий корхонани ривожлантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашиши доирасида фойдаланилмаётган, яшаш учун мўлжалланмаган жойларда товарлар ишлаб чиқариши, ишлар бажариши, хизмат кўрсатиши ва ишлаб чиқариш майдонлари қуриши учун оилавий корхонага ер ажратилишини, оилавий корхона ишлаб чиқариш объектларининг муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишини, оилавий корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотни реализация қилиш учун махсус жойлар берилишини таъминлайди.

Феруза ИБРАТОВА,
юридик фанлари номзоди

Реклама ўрнида

Ишбилармонларнинг ҳамкори ва таянчи

"Агробанк" ОАТБ Тошкент вилояти бошқармаси ҳамда унинг жойлардаги филиаллари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш мақсадида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритувчи корхоналар, тадбиркорлик билан шуғулланаётган ёш оилалар, коллеж битирувчилари ҳамда фермерларни молиявий рағбатлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 914 та тадбиркорлик субъектига 10 миллиард 170 миллион сўмлик банк кредитлари ажратилди. Шундан 417,0 миллион сўми саноат соҳасига, 8,7 миллиард сўми қишлоқ хўжалигига, 457,0 миллион сўми савдо воситачилик хизматини ташкил этиш учун, 505,0 миллион сўми сервис соҳасини ривожлантиришга йўналтирилди. Шунинг ҳисобига 1056 та янги иш ўрни яратилди. Умуман олганда, бу йил банкнинг барча молиялаш манбалари ҳисобидан кичик бизнес субъектларига 27,3 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилиши кўзда тутилган. Ушбу кредитларнинг 8,5 миллиард сўми озиқ-овқат маҳсулотларини, 5,8 миллиард сўми ноозиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга йўналтирилади. Айни пайтгача эса, ички истеъмол бозорини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш ва нарх-навони пасайтириш ҳамда мижозларга сифатли банк хизматларини кўрсатиш борасида аниқ белгиланган дастур асосида кичик бизнес субъектлари 4 миллиард 230 миллион сўм миқдоридаги кредит маблағлари билан таъминланди.

— Биз "Агробанк"ка 20 миллион сўм кредит маблағи сўраб мурожаат қилгандик, — дейди Қуйичирчиқ туманидаги "Элдорхўжа нон" масъулияти чекланган жамият раҳбари Комил Эргашев. — Банк ходимлари тақдим этилган ҳужжатларни ўз вақтида кўриб чиқиб, мурожаатимизни ижобий ҳал қилишди. Олинган кредит ҳисобига нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш кенгаймоқда.

Худди шу сингари банкнинг Оққўрғон филиали мижози — "Оққўрғон барака ишонч" хусусий ишлаб чиқариш фирмаси 20 миллион сўмлик молиявий кўмак олди. Натижада бу ерда макарон ишлаб чиқариш ҳажми кенгайди, 3 та янги иш ўрни пайдо бўлди.

Бугунги кунда республикамизда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка кенг жалб этиш, ўз бизнес лойиҳаларини амалиётга татбиқ этишга кўмаклашиш ва шу орқали уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш масаласига устувор вазифа сифатида қаралмоқда. "Агробанк" ОАТБ вилоят бошқармаси бу борада ҳам муайян чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Жумладан, йил бошидан коллеж битирувчиларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан 135,0 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратилиб, ёш тадбиркорлар ўз бизнесларини йўлга қўйишди, 22 та иш ўрни барпо этилди.

Хуллас, "Агробанк" ОАТБ Тошкент вилояти бошқармаси ва унинг жойлардаги филиаллари "Банклар — тадбиркорларнинг ҳамкори ва ишончли таянчи" шиори остида фаолият юритмоқда. Банк бундан кейин ҳам халқимиз фаровонлиги, Ватанимиз равнақи йўлида ишбилармон ва бунёдкор халқимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли давом эттиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб бораверади.

Абдуғани СОДИҚОВ

Жиноят — жазосиз қолмайди

Таъмагирликнинг охири ҳамиша вой

Эзгу амал инсонга ҳузур бағишлайди. Аммо, минг таассуфки, яхшилик қилиш у ёқда турсин, аксинча, зиммасидаги масъулиятли вазифани сидқидилдан бажармай, ўзгаларнинг ҳаққига юзсизларча кўз олайтирадиган таъмагирлар ҳам бор орамизда...

Маҳалла қўмитаси аҳоли билан давлат ўртасидаги боғлиқликни таъминлаб берувчи институт, маҳалла оқсоқоли ва унинг ёрдамчилари эса аҳолининг оғирини енгил қилувчи халқ вакиллари ҳисобланади. М.Солиева (исм-шарифлар ўзгартирилган) Ҳамза туманидаги ана шундай маҳалла фуқаролар йиғинларидан бирининг котибаси. У маҳалланинг таниқли кишиларидан, кирмаган хонадони, танимаган одами йўқ. Қисқа қилиб айтганда, у ўз маҳалласида жуда кўп ишларни дўндиради. Афсуски, ора-сира қонунга хилоф ишлардан ҳам қайтмайди.

Фуқаро А.Зоированинг аризаси асосида ўтказилган тадбир котибанинг ана шундай қинғир ишларидан бирини фош этди. У ўз хизмат хонасида 2 ёшгача бўлган болалар нафақасини олиш учун ҳужжат тўғрилаш эвазига била туриб, товламачилик йўли билан пора олаётганда қўлга олинди.

Маълум бўлишича, фуқаро А.Зоирова болалар нафақасини олиш мақсадида ёрдам сўраб маҳалла қўмитасига мурожаат қилади. Унинг соддалигидан фойдаланган котиба эса таъмагирликка қўл уради: "80 минг сўм берсангиз, ҳаммасини ҳал қилиб бераман". Қонуний ҳуқуқини билмаган А.Зоирова бўлса котибанинг "бошқа йўли йўқ", деган алдовига лаққа тушиб, унинг таклифига рози бўлади. Департаментнинг туман бўлими ходимлари аралашуви билан қонунбузарликнинг олди олинди. Ўз вазифасини суиистеъмол қилган М.Солиева эса қилмишига яраша жазоланди. Таъмагирликнинг охири вой, деб шунга айтсалар керак-да.

Равшан РАҲИМОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚ Департаменти Тошкент шаҳар Ҳамза тумани катта инспектори

Бири кассага, ўни киссага

Электр ҳақини ўз вақтида тўлашга барчамиз масъулмиз. Аммо, тўлашда ҳам тўлаш бор. Исталган вақтда эшик қоқиб, назоратчиман дея, гувоҳномасини кўрсатган шахсларнинг аслида хизмат ваколатини суиистеъмол қилаётган фирибгар эмаслигига ким кафолат бера олади?

Ф.Эргашев (исм-шарифлар ўзгартирилган) 2010 йилнинг октябрь ойидан бошлаб туман электр тармоқлари корхонаси назоратчиси лавозимида ишлай бошлади. 2011 йилнинг январь ойида АТИБ "Ипотекабанк"нинг Меҳнат филиали билан тузилган тўлиқ шахсий моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартномага асосан у аҳолидан йиғилган тўлов пуллари учун моддий жавобгар шахс ҳисобланади. Аммо шундай бўлса-да, "устамон" нозир ўзгаларнинг мулкини ўзлаштириш орқали ноқонуний бойлик орттириш билан мунтазам шуғулланиб келган.

Маълум бўлишича, назоратчи ўзига бириктирилган "Тузел-2" мавзесида истиқомат қилувчи кўплаб фуқаролардан йиғилган электр энергияси тўловларини банкка топширмасдан, каттагина қисмини ўз эҳтиёжи учун сарфлаб юборган. Хусусан, ушбу мавзедаги 11-уй, 10-хонадонда истиқомат қилувчи Ф.А.дан тўлов паттаси асосида 100 минг сўм нақд пул олган Ф.Эргашев паттанинг иккинчи ордери ва учинчи нусхаси билдиришномасига қалбаки ёзувларни киритиб, ғазнага 25100 сўм сўм топширган. Худди шундай "хизмат"ни 25-хонадонда яшайдиган И.К.га ҳам кўрсатган назоратчи, бу сафар истеъмолчининг 150 минглик тўловини қарийб ўн баробар камайтирган. Мазкур уйнинг бошқа хонадонларида истиқомат қилувчи яна бир неча шахслар ҳам назоратчининг "ўлжа"сига айланган.

Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади, албатта. Бировлар ҳисобига кун кўрувчи назоратчининг электр тармоқлари корхонасидаги "фаолияти" узоққа чўзилмади. Кирдикорлари фош бўлгач, унга нисбатан жиноят иши кўзғатилди.

Шуҳрат АБДУЛЛАЕВ,
СВОЖЖДЛҚ Департаменти Тошкент шаҳар Ҳамза тумани бўлим бошлиғи

Дискфурушлар қўлга тушди

Бугунги кунда муаллифлик ҳуқуқини бузиб, турли хил фильм ва мусиқаларни дискларга кўчириб, сотувга чиқариш одатий ҳолга айланди. Бу борада олиб борилаётган кузатув ишлари, ўтказилаётган тадбирлар, афсуски, яширин дискфурушнинг фаолиятини тугатиш учун етарли бўлмаяпти.

Департаментнинг Миробод тумани ходимлари томонидан ўтказилган навбатдаги тадбир ҳам илгаригиларидан унчалик фарқ қилмади. Аввалига Юнусобод туманида раста қилиб, диск сотаётган қонунбузарлар — Ў.Ҳасанов, Ф.Маҳмуджонов, С.Тўлаганов, А.Бўлишев ва вояга етмаган Ш.Мирсаидовлар қўлга олинди. Дастлабки суриштирув ишларида уларни диск маҳсулотлари билан таъминлаётган шахс туманнинг 9-мавзесида истиқомат қилувчи Р.Толипов экани аниқланди. У ушбу манзилда яширин цех ташкил қилиб, турли кинофильм, мусиқа ва клиплар ёзилган DVD ва CD дискларни жиноий шериги Ж.Маҳмудов ёрдамида "Универсам" савдо мажмуасида ноқонуний савдо расталарини ташкил этган ва Ў.Ҳасанов, Ф.Маҳмуджонов, С.Тўлаганов, А.Бўлишев ва Ш.Мирсаидовларни сотувчи сифатида ёллаган.

Тадбир куни 9-мавзедаги хонадондан компьютер, 2 та рангли принтер, целлофан пакетга жойлаштирилган DVD дисклар, 250 та ёрлиқ, компьютер программалари ёзилган 40 та DVD диск, 350 та бўш диск ва яна 13 турдаги 1791 дона товар моддий бойликлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Якунда қонунбузарлар Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топилиб, уларга нисбатан қонуний жазо тайинланди.

Нодир МУҲАМЕДОВ,
СВОЖЖДЛҚ Департаменти Тошкент шаҳар Миробод тумани катта инспектори

Ўзлик

Ғурур баланд, мақсад холис бўлса

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг қарор топишида маънавиятнинг таъсири ва аҳамияти беқиёс. Кишилик онгида кескин ўзгаришлар содир бўлаётган ҳозирги кунда ғараз ниятли кучлар инсон тафаккури, қалби ва дунёқарашини эгаллаб олиш учун курашнинг минг хил усулларидан фойдаланяпти. Улар жамиятда пайдо бўлган ҳар қандай ғоявий бўшлиқдан фойдаланишга, халқимизга мутлақо ёт бўлган маънавиятсизлик, ахлоқсизлик иллатларини юқтиришга ҳаракат қилмоқдалар. Бу йўлда катта миқдордаги маблағларни ҳам аямайдилар. Бундай ҳолга бепарволик келажак авлоднинг маънан баркамол этиб тарбиялаш йўлидаги саъй-ҳаракатларга жиддий путур етказади.

Одамларнинг мана шундай хатарларга йўлиқиб қолишларининг олдини олиш мақсадида Марҳамат тумани ФҲДЁ бўлими тарбия ишига мутасадди бўлган кўплаб жамоат ва давлат ташкилотлари билан ҳамкорликда "Ғояга қарши — ғоя, фикрга қарши — фикр, жаҳолатга қарши — маърифат" деган шиор асосида ёшлар ўртасида маънавий-маърифий тарбия ишларини олиб бормоқда. Ўқув даргоҳларида оиланинг муқаддаслиги, ота-она ҳуқуқи ва бурчлари, фарзанд тарбияси каби мавзулардаги суҳбатлар ўз самарасини бермоқда.

Ўтган йили ФҲДЁ бўлими томонидан 3105 та туғилиш, 1524 та никоҳ, 125 та ажрим, 234 та оталикни белгилаш, 34 та ёлғиз оналар рўйхати қайд этилди. Оилавий ажримларнинг 60 таси ФҲДЁ бўлимида, 65 таси эса фуқаролик судлари томонидан амалга оширилди. Бу оилавий ажримлар моҳиятини чуқурроқ ўрганишга ундайди. Пойдевори мустаҳкам бўлмаган оилалардан нимани кутиш мумкин? Синган кўнгил, етим бола, шарм-ҳаёни йўқотган аёл, қўлидан бир иш келмайдиган эркак. Турмушни фаровонлаштириш учун яратилган шарт-шароитлардан фойдалана олмайдиган бундай одамларнинг борлиги, албатта, ачинарли ҳол.

Хўш, ёш оилаларнинг ажрашиб кетишига нималар сабаб бўлмоқда ўзи?!

Бу савол кўпчиликни қизиқтириши табиий. Менимча, ёш эр-хотинларнинг ажралиб кетишларига асосий сабаблардан бири уларнинг турмушга тайёр эмаслигидир. Қайноналар эса ҳали фикран тўла шаклланмаган ёш қизларни келин қилиб оладиларда, ўзлари қилиб юрган хизматларни бажаришни улардан талаб этадилар. Ўз-ўзидан аёнки, маҳоратсиз келин бажарган юмушдан тажрибали қайнонанинг кўнгли тўлмайди. Натижада улар ўртасида нохушлик пайдо бўлади. Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, кўпгина ёшларнинг оила ҳақидаги тушунчалари жуда тор ва саёз. Оилавий муносабатлар ҳақида енгил-елпи мулоҳаза қиладилар. Айрим куёвтўраларнинг оила ҳақида мустақил фикри, масъулият ҳисси йўқ. Ўттиз ёшга тўлган бўлса-да, ҳамон оилада боқиманда.

Шуларни назарда тутган ҳолда, коллежларда, лицейларда режа асосида "Ёш оила қурувчилар мактаби" ўқув дарслари ҳамкорлик режаси асосида ўтилмоқда. Ўтган йил давомида ёш оила қурувчилар билан жами 173 марта йиғилишлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилди. Бу тадбирларда 2500 нафардан зиёд ёшлар иштирок этди.

Бугунги кунда оммавий ахборот воситаларининг далолат беришича, дунёда уюшган жиноятчилик кўлами ошиб боряпти. Боз устига, экстремистик диний оқимлар, миссионерлар ҳаётда айрим қийинчиликларга учраган, жамиятда ўз ўрнини тополмаган, билимсиз, ҳаёт ҳақида тушунчаси паст, маънан заиф кимсаларни нишонга олмоқда. Улар турли маккорона йўллар билан ёшлар онгини заҳарлаб, ўзларининг қабиҳ ниятларига эришишга ҳаракат қилишади. «Чет элга ишга кетаяпман», деган айрим ёшлар ана шундай гуруҳлар қўлига тушиб, умрларини хазон этганини билмай қоладилар.

Замонамиз юксак технологиялар давридир. Интернет орқали оқиб келаётган ахборотлар, турли хил беҳаё суратлар ёш оилалар маънавий оламига таъсир қилмайди, деб бўладими? Шу боис, Мустаҳкам оила йилида ёш оилалардаги муаммоларни ўрганиш, уларнинг мақбул ечимини топиш борасидаги ишларни янада кучайтиришимиз, ёшларни турмушга тайёрлашда ҳар қачонгидан ҳам фаолроқ ишлашимиз лозим. Ёшларимизнинг онгига ёт ғоялар кириб қолиши учун ҳеч қандай маънавий бўшлиқ бўлмаслигига эришишимиз, уларнинг ўрнини Ватанга, оиласига, фарзандларига муҳаббат, ота-онага, дўстларга садоқат руҳи билан тўлдириб боришимиз ҳар қачонгидан даркорроқ.

Ёш авлод тарбияси бир кишининг иши эмас. Унга қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, кўпни кўрган онахонларимиз, отахонларимиз ёрдам қўлларини чўзса, нур устига аъло нур бўлади. Биз — жамоатчилик барча имкониятларимизни ишга солиб ёш оилаларни қўллаб-қувватлашимиз, уларнинг муаммоларини ўрганишимиз, таҳлил этишимиз ва биргаликда бартараф қилишимиз лозим. Шу зайл эрнинг оиладаги мавқеини, хотиннинг қадр-қимматини юксак даражага кўтара олсак, ўзимизни мақсадга эришган, деб ҳисоблаймиз. Ота-онаси ҳурмат-эътиборга сазовор оилада ношуд бола тарбияланмайди.

Халқимизнинг эзгу-ниятлари, орзу умидларини ифодаловчи, асрлар давомида эъзозланиб келаётган юрт тинчлиги, Ватан равнақи, комил инсон, динлараро бағрикенглик, милатлараро тотувлик, халқ фаровонлиги каби миллий ғояларимиз ҳар қандай инсонда хаётга муҳаббат бағишлайди. Инсонпарварлик тамойиллари ёшлар ўртасида қанчалик кўп тарғиб этилса ва ёшлар онгига сингдириб борилса, мустақил давлатимиз шу қадар куч-қудратга тўлади, юксалишимиз пойдор бўлади.

Оминахон ИБРОҲИМОВА,
Марҳамат тумани ФҲДЁ бўлими мудираси

Мутолаа



Баъзи тасвирий санъат соҳиблари қаламкаш сифатида ҳам самарали ижод қилади. Ана шундай ижодкорлардан бири таниқли мусаввира, Ўзбекистон Бадиий Академияси ижодкорлар уюшмаси аъзоси Гулнора Раҳмондир. У ҳамкасблари фаолияти ҳақида туркум мақолалар, эсселар ёзиб, матбуотда мунтазам қатнашиб туради.

Ранглар жилосига йўғрилган ижод

Яқинда Гулнора Раҳмоннинг «Шарқ» нашриётида чоп этилган тўпламининг номи ҳам касбига уйғаш: «Юрак деворидаги чизгилар». Ундан ўзбек рассомлари ижодий портретларига чизгилар, ўз қаламига мансуб насрий ва назмий ижодидан саралланган асарлари ўрин олган.

Англия қироличаси Елизавета ва Саудия Арабистони амири Фаҳд ибн Абдулазиз портретларини уларнинг ўзларига қараб яратган, жаҳон эътироф этган санъаткор Баҳодир Жалоловнинг инсоний хислатлари, ижодий изланишлари маҳсули бўлган ажабтовур ютуқларини муаллиф ҳамкасб ва шогирд сифатида ҳикоя қилади. Рассомнинг маҳобатли деворий суратларидаги ўзига хос услубига лўнда таъриф берилган.

Муаллиф бошқа бир йирик санъаткор ҳақидаги мақоласида ўқувчи диққатини мутолаага жалб этиш учун оҳорли мулоҳазалар юритиб, ўрнашиб қолган баъзи тасаввурлар билан баҳсга киришганча, ўз нуқтаи назарини илгари суради: «Вақт — энг яхши табиб», дейишади. Менимча, ундай эмас. У на раҳм қилишни билади, на шафқатни. Айниқса, ижодкорга. У бўёқларингиз йўқ бўлгани учун сурат чиза олмаганингизни кечирмайди... Мен рассом Рўзи Чориевни вақтнинг қадрига етиб, унинг мурувватига сазовор бўлган ижодкор, деб биламан».

Хориж сафарлари хотираларида ҳам муаллиф ҳар бир манзарага рассом нигоҳи билан қарайди. Унинг беназир санъаткорлар мўйқаламига мансуб мумтоз асарларни яқиндан туриб томоша қилаётганидаги ҳайрати ва ҳаяжони ўқувчига ҳам юқади: «О, абадий ёш ва соҳибжамол Мона Лиза! Унинг тоза асалдай тиниқ юзлари, нозик бармоқлари, асрлар оша не-не юракларни забт этиб келаётган ним табассумию дилдор нигоҳи!»

Бир ижодкор учун мусаввира ва санъатшунос бўлишнинг ўзи кам эмас. Бироқ Гулнорахон, айниқса, сўнгги йилларда бадиий ижод билан ҳам шуғулланаётгани эътиборлидир. Муаллифнинг насрдаги ижодидан намуна сифатида тўпламга бир қисса ва бир неча ҳикояси киритилган. Унинг ушбу жанрларга мурожаат этишининг сабаблари бор, албатта. Санъаткорнинг ички олами туғёнлари, ташқи муҳит ҳамиша ҳам унга бағрикенглик қилавермаслиги, нафақат омма, баъзан, ҳатто ўз яқинлари, ҳамкасблари томонидан ҳам ижоди англанмаслиги ва ҳоказо ҳолатларни тасвирлаш учун бадиий адабиётнинг имкониятлари беқиёс. «Иморат» ҳикоясида шаҳарда яшаётган рассом Иброҳим қишлоғига келганида, ўтган йили ёзда уйга қамалиб олиб, бир неча кун мобайнида ишлаган картинаси укалари томонидан товуқ катагига эшик қилиб қоқилганини кўриб чеккан изтиробларини кекса онасигина англайди.

Ота-она ва фарзандлар ўртасидаги ўзбекона меҳр ришталари «Сурат» ҳикоясида маҳорат билан тасвирланган. Рассомлик йўлини танлаган ўғлию қизининг ҳавасини келтирган бир қути сара бўёқлар ва яхшигина ҳақ эвазига марҳума онаси суратини ажнабий коллекциячига «сотсамми-сотмасамми?» деган аросатда қолган Дилором бу хусусида фарзандлари фикрини сўрайди. Улар: «Биз сизнинг суратингизни сотмаган бўлар эдик», дейишади якдиллик билан. Она-болаларни тушунмаса-да, уларнинг юз ифодасидан савдоси пишмаганини сезган коллекциячи бошқа картинага харидор бўлади.

Тўплам бир туркум дилрабо шеърлар билан якунланади. Барчасида беғуборлик ва самимият уфуриб турган шеърларнинг баъзилари топилдиқ даражасидаги ўхшатишлардан холи эмас:

Муҳаббат дегани порлайверади,
Меҳрингни тўктириб божхонасига.
Муҳаббат дегани чорлайверади,
Сени кутмаганнинг остонасига.

Албатта, айрим сатрларни енгил таҳрир қилиш мумкин. Масалан:

Хотирни тарк этди висолнинг таъми,
Тизга ҳам чиқмайди дунёнинг ғами

сатрларидаги «Тизга ҳам чиқмайди» жумласи «Тўпиққа чиқмайди» деб ўзгартирилгани маъқул.

Мазкур тўпламдан жой олган асарлар Гулнора Раҳмоннинг ижодидан танлаб тузилган гулдаста, холос. Биз унинг китобига кирмаган, бироқ матбуотда эълон қилинган яна қатор шеъру ҳикоялари ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур даврига оид тарихий драмасидан воқифмиз. Ҳам қалам, ҳам мўйқаламда самарали ижод қилаётган муаллифнинг келажакда янада бошқа китоблари нашр этилиши ва ҳозирда режиссёрларни қизиқтираётган драматик асарлари саҳналаштирилишини тилаб қоламиз.

Ғулом КАРИМИЙ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Фикр

Теран туйғу

Инсон ботинида даҳлсиз маънавий ҳудуд мавжуд. Унинг бойиши, шаклланиши кўпгина ташқи омилларга боғлиқ. Инсон ҳаётида ўз ўрнини топишга ҳаракат қилар экан, ташқи муҳит таъсирини борича қабул қилавермайди. Шахс ўзлигини англаб, ўзини ўзи тарбиялаб борар экан, шаклланиш жараёнида илм чашмасидан дурлар теришга, бу йўлдаги тўсиқларни вазминлик ва донолик билан енгиб ўтишига тўғри келади. Албатта, бундай комилликка эришиш учун йиллар керак.

Инсон маънавий оламининг бойиб бориши кўнгилда қониқиш ҳиссини уйғотади ва бундай туйғу ҳайбатли тўлқиндай руҳингизни юксалтиради. Ана шунда одам ўзи учун нажот йўли очилганидан қониқиш ҳосил қилади. Бу туйғу ҳеч қандай шакл-шамойилга тушмайдиган, эзгуликка йўғрилган ҳаёт оғушини ҳис қилишга ундайди. Иродаси тобланган, ақлий ва маънавий камолотга эришган инсон қийинчиликлар, қарама-қаршиликлардан чўчимай, эзгу ниятн сари дадил интилаверади. Маънавий камолотга эса маърифат орқали эришилади. Ўшанда ботиний олам мусаффо бўлади ва инсон ўзлигини намоён этишга интилади, ҳаётда ўз сўзини айтиш учун йўл излайди, уни топади ва ниҳоят, эзгу мақсадга эришади.

«Ақл шундай бир кўзгудирки, агар у баднафслик, ҳасад ҳамда бахиллик чанги билан қопланса, барча нарсани мушоҳада қила олмайди», дейди донишмандларимиз. Аслида ҳаётнинг ўзи турли-туман ғоялар кураши, баҳсу мунозаралардан иборат. Ҳамма гап ҳаёт синовларига тайёр туришда, огоҳ ва сергак бўлишда.

Ўз мустақил фикрига эга бўлган, кучига ишонган одам фикрлар хилма-хиллигидан чўчимайди. Аксинча, ғояга қарши ғоя билан, жаҳолатга қарши маърифат билан мардона кураша олади. Президентимизнинг «Куч — билим ва тафаккурда» деган сўзлари халқаро майдонда ҳам ижодий баҳсга киришишимизга имкон беради. Бунинг учун миллатимизнинг салоҳияти, заковати етарли. Дунёвий ва диний илмларни баравар ўзлаштириб, янгича фикрлайдиган ёшларимизнинг тарбия топаётгани қалбимизда ифтихор туйғусини уйғотади. Зеро, «Илм мартабаси мартабаларнинг зўридир. Қайси ерда илму маърифат кучли бўлса, ўша ер бахт маскани ҳисобланади. Қайси ерда нодонлик мавжуд бўлса, ўша ер қуруқ ёки тошлоқ жой кабидир».

Хуршида ЧОРШАНБИЕВА

Мулоҳаза

Маънавий савия муаммоси

Юртимизда маънавий юксаклик масаласининг тараққиётнинг ўзаги бўлмиш иқтисодиёт билан бир ўринда қўйилиши бежиз эмас. Очиғи, бугун мафкура майдонларида фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя билан бас келувчи жасоратли тарғиботчиларга жуда эҳтиёжмандмиз. Қолаверса, ҳар бир миллатдошимиз маънан бой, теран фикрловчи инсонлар бўлишлари даркор. Қайси жабҳа мутахассиси бўлмасин, ким бўлишидан қатъи назар, маънавий олами ҳаминқадар бўлиши кечирилмас ҳолдир. Чунки маънавият халқимизнинг жаҳон айвонидаги нуфузи, обрў-эътибори билан боғлиқ улкан кўрсаткичдир.

Демак, ҳар бир фуқаро маънан камол топиши учун, аввало, қадриятларни, дин-у, урф-одатларни яхши билиши, илм олишлари учун яратилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланишлари керак. Бутун дунё тан бериб, турли давлатларда буюкларимизга ҳайкаллар қўйилиб, уларга бағишланган нуфузли анжуманлар уюштирилаётган бир пайтда айрим юртдошларимизнинг ўз қобиғига ўралиб, мен муҳандисман ёки шифокорман, ўқиш-ёзиш менга керак эмас, сен ўқитувчисан, сенга керак деган фикрда юришлари, уларнинг маънавий савияси саёз эканидан далолатдир.

Маънавият олами — адабиёт, фан, санъатимизни тарғиб қилиш, бугунги туб ислоҳотларни, улкан ютуқларни халққа етказишда оммавий ахборот воситаларининг роли катта. Бунда, албатта, катта ишлар қилинаётганлигига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Аммо гуруч орасида курмак бўлгани каби маънавиятимизга зид ҳолатларнинг ёритилиши ҳоллари ҳам учраб туради. Масалан, бир неча йил аввал анча машҳур бўлган хусусий газеталарнинг бирида элга танилиб келаётган реппер билан суҳбат босилган. Суҳбат орасида хонандадан Ўзбекистон халқ артисти Муножат Йўлчиева тўғрисида берилган савол ҳам бор эди. Бу саволга жавобан хонанда бундай қўшиқчини танимаслигини айтади. Орадан кўп ўтмай яна ўша хонанда билан суҳбат уюштирилади. Суҳбатда яна шундай савол берилади. Энди у Муножат Йўлчиевани таниб олганлигини, у опера қўшиқчиси эканлигини таъкидлайди. Ўйланиб қоласан киши. Ўша суҳбат қурган мухбирнинг мақсади нима ўзи?

Яна бир гап. Ҳар йили 14 февраль яқинлашаётганда юрагимиз безиллайдиган бўлиб қолди. Бу айрим радиоканалларнинг хурмача қилиқлари билан боғлиқ. Шу куни айрим каналларда Валентин шарафига севишганлар кунини тарғиб қилишади. Ёшларнинг бир-бирига беибо, ҳаёсиз ишқ изҳорлари эфирга узатилади. Икки жинс вакилининг танҳо ҳолда бир-бирига айтиши мумкин бўлган қалбнинг нозик туйғуси — муҳаббат изҳорини бутун водий, ҳатто мамлакат радио эшитувчиларига ошкор этиш шармсизлик, маънавиятсизликдан бошқа нарса эмас.

Бир отахон ҳикоя қилади:

— Қизим балоғат ёшида жуда инжиқ бўлиб, мен билан онасига гап қайтарадиган одат чиқарди. Қарасам, аҳвол чатоқ, уни ҳаёт тарзимизга, шарқона ахлоқ меъёрларимизга зид фильмлар «тарбиялаб» бўлган экан. Шунда миямда бир фикр туғилди. Қизимни китоб ўқишга ундай бошладим. Аввал уни Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романини ўқишга қизиқтирдим. Бошида эснаб-эснаб ўқий бошлаган қизим, секин-аста ундан бош кўтара олмай қолди. Кузатсам, қизимда катта ўзгариш бўлибди. Ҳаё, ибо ва андиша тимсоли бўлмиш Кумуш образи унга анча таъсир этганди. Қизим вазминлашиб, салмоқли фикрлайдиган бўлиб қолди. Энди бирор фильм намойишида ножоизроқ лавҳа кўрсатиб қолинса, тезда ташқарига чиқиб кетадиган бўлди. У телевизордаги ножоиз фильмларни кўришдан кўра, мутолаага берилди. Тарихимиз, маънавиятимизни тараннум этувчи етук китобларни қидириб қолди. Муҳими, одобию ахлоқида туб бурилиш ясалди...

Кўриниб турибдики, маънавият жуда кенг тушунча. Таъбир жоиз бўлса, маънавий савия умрбод ошириб бориладиган билимлар уммонидир. Ниятим, бу борадаги билимсизлик ортидан бир-биримиз олдидагина эмас, ўзга халқлар даврасида ҳам хижолат чекиб қолмайлик.

Восит АҲМАТХОНОВ



ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИКДАН РУҲЛАНИБ

Шу йилнинг июль-август ойларида Лондон шаҳрида (Буюк Британия) XXX ёзги Олимпиада бўлиб ўтади. Айни пайтда ушбу нуфузли мусобақага йўлланмани қўлга киритган ўнлаб спортчиларимиз ўқув-машғулот йиғинларини белгиланган режа асосида давом эттирмоқда. Ўзбекистон оғир атлетика терма жамоаси ушбу мусобақада илк бор энг кўп — олти нафар спортчи билан иштирок этади.

Ўзбекистон оғир атлетика федерацияси бош котиби Шаҳрулла МАҲМУДОВ мусобақага тайёргарлик жараёни ҳақида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Аввало, Президентимиз Ислом Каримовнинг 2009 йил 5 январда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри (Буюк Британия)да бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида"ги қарори спортчиларимиз эришаётган юксак муваффақиятларда муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлашни истардим, — дейди Ш.Маҳмудов. — Буни мамлакатимиз оғир атлетика терма жамоси мисолида ҳам кўриш мумкин. Тайёргарликнинг 2009-2010 йилларга мўлжалланган биринчи босқичи мобайнида терма жамоамиз учун ёш иқтидорли спортчилар саралаб олинди.

Федерациямиз моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида замон талабларига жавоб берадиган юздан зиёд оғир атлетика штангалари ва спортчилар учун махсус кийим-кечаклар харид қилинди. Уларнинг ўндан ортиғи терма жамоа аъзоларига, қолганлари эса вилоятлардаги бўлимларга жўнатилди. Бу борада бизга Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси, Навоий кон-металлургия комбинати ва "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик компанияси яқиндан ёрдам бермоқда. Улар кўмагида Зарафшон шаҳри, Чирчиқ Олимпия захиралари коллежи ва Чорвоқдаги ўқув-машғулот йиғинлари уюштириладиган базаларимизнинг моддий-техник имкониятлари янада яхшиланди. Амалга оширилган бундай изчил ишлар ўз самараларини бера бошлади.

Бундан тўрт йил муқаддам Пекин Олимпиадасида икки нафар оғир атлетикачимиз қатнашган эди. 2010-2011 йиллари Туркиянинг Анталия ва Франциянинг Париж шаҳарларида ўтган жаҳон чемпионатларида мамлакатимиз спортчилари Лондон Олимпиадасининг бешта йўлланмасини қўлга киритишга эришди. Ушбу муваффақиятга Руслан Нуриддинов, Шерзод Юсупов, Баҳром Мендибоев, Руслан Макаров, Ғиёсиддин Аҳмедов, Муҳаммад Бегалиев, Иван Ефремов ҳамда Руслан Алпанов муносиб ҳисса қўшди. Айниқса, андижонлик ёш иқтидор соҳиби, 94 килограмм вазн тоифасида мамлакатимиз рекордчиси Руслан Нуриддинов эришган натижани алоҳида таъкидлаш жоиз. У штангани силтаб кўтаришда 221 килограмм натижага эришиб, жаҳон чемпионатининг кумуш медали соҳиби бўлди. Руслан ҳозир мусобақаларда 105 килограмм вазнли спортчилар сафида иштирок этмоқда.

Мамлакатимизда спортнинг барча турларини кенг оммалаштиришга қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли хотин-қизларимиз орасидан ҳам етук спортчилар халқаро ареналарга чиқмоқда. Ҳозиргача оғир атлетика бўйича қизларимиз Олимпиада ўйинларида иштирок этмаганди. Бу гал ўзбек қизлари ҳам ушбу йўналишда дунёнинг энг нуфузли мусобақасида қатнашиш шарафига муяссар бўлади.

Жанубий Кореяда оғир атлетика бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида Ўзбекистон хотин-қизлар терма жамоаси аъзолари XXX ёзги Олимпия ўйинларига битта йўлланмани қўлга киритди. Чемпионатда вазни 48 килограммгача бўлган спортчилар баҳсида тажрибали оғир атлетикачимиз Марина Сисоева штангани силтаб кўтаришда бронза, иккикурашда кумуш медаль совриндори бўлди. Маҳлиё Тоғаева эса штангани даст кўтаришда кумуш, иккикураш натижасига кўра, бронза медаль билан тақдирланди.

Шундай қилиб, оғир атлетика бўйича терма жамоамизнинг олти нафар аъзоси Лондон Олимпиадасида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди.

ЎзА мухбири
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ ёзиб олди.

Замонавий эртак

Ўзи истаган одам

Болажон онаизорининг аллалари, меҳру муҳаббати ардоғида атак-чечак қилди. Энди бир-икки қадам ташлаган чоғлари бобоси бошига дўппи, эгнига тўнча кийгизиб, кўча-кўйда етаклаб юрди. Бўйига бўй қўшилгани сари отасининг қадди ҳам тик бўлиб борди, гўё. Ортида баланд тоғ бордек суянарди уларга.

У бувисидан жуда кўп эртаклар тинглаганди. Меҳрибони гоҳ бўри, гоҳ қуён овозини келиштиришга уриниб, яхшиликнинг ҳамиша ғолиб, разолатнинг мағлуб бўлишини далиллашга ҳаракат қилганлари унинг кўнглида чин маънода эзгуликка рағбат уйғотганди. Эшитганлари уни ҳақ сўзу амални маҳкам тутмоқ, ҳалолни ҳаромдан фарқлаш шарт, деган ҳаётий хулосаларни шу қадар қарашларига чуқур сингдириб юборгандики, баъзида бу хислатларни баланд қўяман деб қийналиб ҳам кетарди. Барибир, ҳеч қачон ўзидан кичик ва кучсизларга озор бермас, ота-онасининг бир сўзини икки қилмас, бировларнинг насибасига қўл узатмасди. Унга кимнингдир ҳаваси, кимнингдир ҳасади, яна бировнинг раҳми келар, лекин болажон атрофдагиларни эъзозлаб, завқ-шавқ билан яшайверарди.

Орадан йиллар ўтиб, у забардаст йигит бўлди ва олис сафарга отланишга аҳд қилди. Бу ҳаёт аталмиш йўлда у энди бувижониси сўзлаб берган узоқ ўтмиш қатида қолиб кетган, ўрмонлару саҳроларда кезиб юрган севимли қаҳрамонларини эмас, ўзи ўхшашни истаган, ортидан эргашиб, камолга етмоқчи бўлганларни излаб топмоқчи эди. У ўзига йўлдош бўлган барча-барчани дўст дея билишни дилига маҳкам тугиб, чап кўкраги қафасига тинглаган ўгитлари мағзидан чақиб олган сеҳрли малҳамларини жойлаганча йўлга равона бўлибди.

У йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Бир манзилга етганида қуннинг иссиғида буғдой ўраётган йигитга дуч келибди. Иккаласи тил топишиб, кенг даладаги ҳосилни шом тушгунича йиғиштириб бўлишибди. Йигит деҳқон дўстининг меҳнатсеварлиги, сахий, дилкашлигига жуда ҳавас қилибди. У билан ошно тутинганидан суюнибди. Кечки тановулдан сўнг улар бир қари тут остидаги сўрида дам оладиган бўлишибди. Бир маҳал у япроқларнинг шитир-шитиридан уйғониб кетибди. Қараса, дўсти йўқ, ҳу нарироқда йигитнинг дарахт шохига илиб қўйилган костюми чўнтагини титкилаётган эмиш. Қаҳрамонимизнинг ҳафсаласи пир бўлиб, бир сўз демай, қайта ўрнига чўзилибди ва тонг чоғи қотиб ухлаётган ўртоғининг бош томонида турган чойнагига кўкрак қафасида яшириб қўйган садоқат, ҳалоллик, ишонч ва яна қандайдир номлар билан аталувчи малҳамлар аралашмасидан чой дамлаб, ўраб қўйибди-да, йўлида равона бўлибди. Лекин у сира нолимасмиш, чунки деҳқонга берганидан олгани кам эмас экан-да! Фақат хаёлида «Уларнинг момолари Алпомишлардан ҳикоятлар айтмаган экан-да» деган ўй чарх ураркан.

Йўл юрса ҳам мўл юриб, толиққан йигит энди сафарини уловда давом эттиришга аҳд қилибди. Автобусда кетаётган экан, ёнига либосларининг дазмоли бузилмаган ҳамтенги келиб ўтирибди. Йигит ҳамроҳининг ўзини тутишига мафтун бўлибди. Унинг қўлидаги китобларни олиб бир варақлашга кўнглида орзиқиш сезиб хўрсиниб қўяркан. Ҳамроҳи ҳам буни илғабди чоғи ўзи тақсил оладиган дорилфунун бекатида эргаштириб тушибди. Йигитнинг бу гўшада анча қолиб кетишига тўғри келибди. Устозлар этагидан тутиб илм ўрганибди, касб-корли бўлибди. Билгани сари билмагани кўплигини англаб ўқиш, изланишга вақту кучини сарфлай бошлабди.

— Мен фалон юртга кетишга аҳд қилдим, — дебди ниҳоят дўсти бир куни кутилмаганда. — Неча йилдан буён дафтар, қалам тутиб косам сира оқармади. Фалончилар фалон вақтда фалон русумдаги машиналар минишди...

Йигит унинг нолишларини тинглаб, ҳафсаласи пир бўлибди. Дўстининг на уй-жойи, на яқинлари, ҳатто ота-онасининг ҳоли не кечиши ҳеч безовта қилмаётгани унга жуда оғир ботибди. Негадир кўкраги санчибди. Шу оғриқ билан сабр-қаноат, ғурур, орият деб аталмиш бир-биридан бебаҳо малҳамларни бир ҳовуч тупроқ билан обдон аралаштирибди-да, дўстининг нафаси тегиб, нигоҳи тушиб турадиган дастурхон четига қўйганча хонадан чиқиб кетибди. Лекин у бу остонадан ҳам қуруқ кетмабди, йўлини ёритувчи нур — илм унинг кетмас бойлигига айланган экан.

Йигит хаёллар гирдобида юра-юра шовуллаб оқаётган денгизнинг қирғоғига яқинлашиб қолибди. Қараса савдогарлар кемаларга мол юклашаётган экан.

— Буларни фалон давлатга олиб бориб сотамиз ва фойдасига одамларимизга асқотадиган нарсалар билан қайтамиз, — дейишибди уни ҳайрон кузатиб турганини кўриб янги дўстлари.

— Энди ўзим ўхшашни истаган кишиларни топдим, шекилли, — дея хурсанд бўлибди йигит. — Улар ўзлари ҳам тўкис яшашади, бошқаларнинг ҳам ғамини ейди. Хуллас, қаҳрамонимиз уларга эргашиб денгиз саёҳатини ихтиёр этибди. Савдогарлар пулдан пул қилиш ҳадисини олишган, ниманинг ортидан фойда келади-ю, ниманинг ортида зарар яширинлигини зумда фарқлашаркан. Ҳамроҳларининг тадбиркорлиги йигитга катта сабоқ бўлибди. Чунки давр худди ана шуни талаб этар, бусиз ривожланиш сари қадам ташлаш мушкуллиги унга кундек аён экан. Йигит молдан молни фарқлаш, одамларнинг дид ва эҳтиёжларини кўра олиш каби хислатларни ўрганиш учун бозорларни айланибди, турли машваратларда қатнашибди. Ниҳоят ортга қайтишибди. Йўлда...

— Фалон молни килосидан, фалонини бўйи, энидан тежаб қолсак, сармоямиз янаям ортади. Ана у эшик қоқиб келадиганларга «касод бўлдик» деб қутиламиз. Озгина айш-ишрат ҳам қилайлик-да...

Кемада қулоғига чалинган бу суҳбат йигитни гангитиб қўйибди. Гуноҳларнинг қора пардаси кўз ўнгини хиралаштира бошлабди. Пайпаслаб чап кўкрагини топибди: нимадир қинидан чиқиб кетгудек питирлар эмиш. Йигит ана шу оташ чўғида ҳалоллик, савоб, вафо, садоқат, ростгўйлик каби лаззатли малҳамларидан тотли шароб ҳозирлаб бирни қўшиб, учни олиш ташвишида қайғураётганлар томон узатибди-да, сездирмайгина кўрфазга келиб тўхтаган кемадан тушиб қолибди. У шу кетишда жуда кўп манзилу маконларда бўлибди. Самолётларда кўм-кўк осмон тоғига кўтарилиб, оппоқ булутларни қучгудек сайру саёҳатларга чиқибди. Кўп нарсани кўрибди, билмаганларини билибди. Сафари сабоқларини обдон тафаккур этган йигит азал ва абад эзгулик бешигини тебратиш аждод-авлодларига насиб этганидан қаттиқ суюнибди. Белини маҳкам боғлаб ўзининг улкан карвони томон илдамлаб кетибди.

Йигит олис манзилни босиб ўтиб, ўзи том маънода ўхшашни истаган инсонни топа олмаса-да, ўша болалигида хотирасига сингган муносабату ўгитлар, сафарда кўрган-кечирганлари, саргузаштлари давомида уққанларига таяниб хаёлида ўз қаҳрамонини яратибди. Авлодларига унинг сурату сийратини чизиб берибди. Ва фақат ўзига ўхшашни орзу қила бошлабди. Бу навқирон йигит эзгулик бешигида улғайган, юксалмоқ ишқидаги Ўзбек экан.

Ойбуви ОЧИЛОВА

КЎЗГУДАГИ ҲАЁТ

Театр саҳнасида

Ҳар куни кўзгу орқали бўй-бастимиз, кўринишимиз ҳақида хулоса қилишимиз, кийинишимиз, юриш-туришимизга тартиб беришимиз мумкин. Яна бир шундай восита ҳам борки, унда нафақат ўзимизни, балки атрофимиздагиларнинг ташқи кўриниши, хулқатворини ҳам кўриш имконияти бўлади. Шу жиҳатдан уни ҳаётни акс эттирувчи кўзгу, десак бўлади. Бу шубҳасиз театрдир.

Театр ўзининг бетакрорлиги ва таъсир доирасининг кенглиги билан бошқа санъат турларидан фарқ қилади. Бунга ундаги муҳит, томошабин кўз олдидаги жонли ижро сабаб бўлса, ажабмас. Спектакль жанри, композицияси, саҳна декорациясига ҳамоҳанг ижрочиларнинг муваффақиятли роли ҳам бу уйғунликнинг тўкислигини таъминлайди.

Пойтахтимиздаги театр кошоналари сафида Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри ҳам кўп йиллардан буён халқимизнинг қадами узилмай келаётган қутлуғ даргоҳлардан биридир. Ўтган йиллар оралиғида мазкур театр саҳнасида турли мавзулардаги асарлар мухлислар эътиборига ҳавола этиб келинди. Бошқа театрларда бўлгани каби Муқимий театри ҳам не-не улуғ сиймоларни тарбиялаб етиштирди.

Яқинда мазкур театрда саҳналаштирилган "Асл хазина" спектакли намойиш этилди. Унинг номиёқ томошабинга асар қандайдир бойлик ҳақида бўлса керак, деган дастлабки



хулосани бериши тайин. Бироқ ижро давомида ривож олган воқеалар лавҳаси киши ҳаётидаги бебаҳо давлат тўкин-сочинликда, бойлик орттиришда эмаслиги, балки унинг оиласи, яқинлари билан тотувликда, хотиржам яшашида эканлиги аён бўлади.

Ҳаётида бирон камчилик сезмайдиган, эри илм даргоҳида талабаларга дарс бериб, аёли мол олди-сотдиси билан шуғулланиб кун ўтказувчи оиланинг ҳаётида отадан қолган эски девор ва ундан топилган қути маълум бир ўзгаришлар ясайди.

Спектаклдаги ҳодисалар енгил кулги асосида, саҳнага бирма-бир чиқиб келувчи қаҳрамонлар талқинида давом этади. Бош қаҳрамон — Эсонбой бошчилигида унинг қўшниси Ҳошимжон, уста йигит, ички ишлар ходими, телефончи ва лўлиларнинг саҳнада пайдо бўлиши ва кульминацион нуқта сари ҳаракатланиши воқеалар изчиллигини, яхлитлигини таъминлайди.

Асарни кузатар экансиз, айрим камчиликлар ҳам кўзга ташланади. Хусусан, бош қаҳрамонлар Эсонбой ва Эркиной образларини талқин этган Ўзбекистон халқ артисти Мурод Ражабов ва хизмат кўрсатган артист Гулчеҳра Носирова тилида шевачиликка йўл қўйилиши, қўшиқлар ижросида, айниқса ёш актёрлардаги тажрибасизлик сезилади.

Умуман олиб қараганда, асар ғояси томошабинга моддийлик олдида ўзни йўқотмаслик, аҳиллик, ўзаро оқибат, энг асосийси, ҳар қандай молдунё сабаб оилани пароканда қилишдан асрашга ундаши билан аҳамиятлидир.

Спектаклни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Аҳад Пармонов саҳналаштирган бўлиб, унга Олимжон Комилжонов бошчилигидаги оркестр мусиқий безак берган. Ш.Маҳкамовнинг мазкур асарига М.Маҳмудов мусиқа, Тўра Мирзо қўшиқ ёзган.

Наргиза АСАДОВА

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Электрон манзил:
hurriyat@doda.uz

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳрир ҳайъати:
Назира АБДУАЗИЗОВА
Фирдавс АБДУҲОЛИҚОВ
Камол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Ғулом МИРЗО
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА
Акмал САИДОВ
Сайди УМИРОВ
Шерзод ҒУЛОМОВ

Телефонлар: 236-53-31, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

Вилоят мухбирлари:
Бухоро — 8-365-592-85-02,
Самарқанд — 8-366-233-62-12,
Сурхондарё — 8-376-396-30-59,
Фарғона — 8-373-215-80-58,

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.

ISSN 2010-7528
9 772010 752002

Индекс:
якка обуначилар ва ташкилотлар учун —233

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи:
Иномжон АБДИЕВ

Топшириш вақти — 21 00
Топширилди — 20 00

Адади: 10937 Буюртма — Г-555 12 45